Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 66 (8056). ● 8 апрель, 1983 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин

СИЁСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг «Коммунист» журнали учинчи сонида босилган «Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» сарлавҳали мақоласи алоҳида китобча қилиб нашр этилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

РАСМИЙ ҲУЖЖАТ СИФАТИДА

НЬЮ-ЙОРК, 6 апрель. (ТАСС). Ю. В. Андроповнинг «Правда» мухбири саволларига қайтарган ва 1983 йил 27 мартда матбуотда эълон қилинган жаваблари БМТ Бош ассамблеяси ва Хавфсизлик кенгашининг расмий ҳужжати сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қароргоҳида тарқатилди.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЖАНГОВАРЛИК ҚОБИЛИЯТИ ОШИРИЛСИН

БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ТБИЛИСИ, 7 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Бошланғич партия ташкилотлари ҳаёт қайнаб турган жойда ишлаб, партия сиёсатини омманинг жонли ижоди билан боғлайдилар. Улар қай даражада жанговарлик ва ташаббускорлик билан ишламоқдалар, КПСС қуйи бўғинларининг фаолиятини қайси йўллар ва воситалар билан замонавий талаблар даражасига кўтариш мумкин, бошланғич ташкилотлардан ҳар бири партия йўлини ўз коллективида қатъият билан ўтказиши учун нималар қилмоқ керак?

Мана шу масалалар Грузия пойтахтида бугун очилган Бутуниттифоқ илмий — амалий конференциясининг диққат марказида турибди. Конференция «Меҳнаткашларнинг ижтимоий активлигини ва ишлаб чиқаришдаги ғайратини ривожлантиришда, интизомни мустаҳкамлашда, иш услубини такомиллаштиришда бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисида»ги мавзуга бағишланган. Унинг ишида бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, КПСС Марказий Комитетининг, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларининг, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, жамиятшунос олимлар, Совет Армиясининг сиёсий ходимлари қатнашмоқдалар.

Конференцияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе очди. Бизнинг конференциямиз умумпартиявий аҳамиятга эгадир, деди у. Унинг умумпартиявий характери шу билан белгиланадики, у меҳнаткашларнинг ижтимоий активлигини ва меҳнатдаги ғайратини ривожлантиришда, интизомни мустаҳкамлашда, иш услубини такомиллаштиришда бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда назария ва практика нуқтаи назаридан бутун партия учун актуал бўлган проблемаларни кўриб чиқади. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумидан кейинги биринчи бўлган мана шу Бутуниттифоқ конференцияси партиянинг негизини, унинг пойдеворини ташкил этган қуйи бўғинлар фаолиятининг айни мана шу жиҳатларини таҳлил этиши диққатга сазовордир. КПСС Марказий Комитети мана шу конференцияни чақириш факти орқали бутун партияни бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари иши масалалари сари тубдан буриш зарурлигини таъкидлайди. Партия Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг йўл-йўриқлари айни шу коллективларда биринчи галда турмушга татбиқ этилиши лозим.

Конференцияни ўтказиш учун Тбилиси танлаб олинди. Бу ҳолатга биз алоҳида аҳамият бераяпмиз. Бунинг биринчи сабаби шуки, конференция КПСС Марказий Комитетининг Тбилиси шаҳар партия комитети хусусидаги қароридан сўнг орадан 11 йил ўтгач ўз ишини бошламоқда. КПСС Марказий Комитетининг бевосита Грузия коммунистларига ва меҳнаткашларига аталган кейинги қарорлари каби шу жуда муҳим партиявий ҳужжатнинг мақсади аввало республикадаги вазиятни тубдан яхшилашдан, унинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлашдан, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятлироқ ҳал этишда меҳнаткашларга ёрдам беришдан иборат эди.

Э. А. Шеварднадзе сўнгги йилларда республикада содир бўлган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапириб, қилинган ишларнинг ҳаммаси асосан бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган ва ўтказилаётган ишларнинг натижаси эканини таъкидлади. Бу иш салбий ҳодисаларга қарши, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш учун, кадрларга доир тўғри сиёсат учун, иқтисодий ва социал турмушда ижобий жараёнларни қарор топтириш учун саботли ва муросасиз кураш бўлди.

Партия бизга ишга ижодий ёндошиш керак, деб таълим беради, ижодий, амалий иш услубини қарор топтиради, коммунистик қурилиш режаларини амалга оширишда бениҳоя зўр конкретликни ва бениҳоя зўр аниқликни талаб қилади. Аммо ижодий услуб ва ижодий ёндашиш ўз-ўзидан вужудга келмайди. Улар ижодий муҳитда, чинакам ижодкорлик вазиятида, барча коммунистларнинг энг актив иштироки билан, бошланғич партия ташкилоти йўналтирувчилик ролини ўйнаб, ҳар бир киши олдига реал, конкрет, амалий вазифалар қўйилган тақдирдагина вужудга келиб, ривожланади ва қарор топади. Фақат шундагина ёшини яшаб бўлган, эскирган нарсаларнинг ҳаммасини улоқтириб ташлаш мумкин. Шу билан бирга ижодий муҳитнинг ўзи ҳам ҳамиша изланишнинг, ҳар қандай ишга новаторларча ёндашишнинг маҳсулидир.

В. И. Ленин бизнинг партиямизни келажак партияси деб, новаторлар партияси деб атаган эди. Партия фикрнинг янгилигини ва сўзнинг янгилигини бутун ишни такомиллаштириш йўли деб билади. Партия — жонли сўз тарафдоридир. Шу билан бирга партия бизни доимо сўз билан ишнинг бирлигига, сўз ҳамиша ишда рўёбга чиқадиган бўлишига доимо даъват этиб келмоқда.

Бутуниттифоқ конференцияси айни вақтда ҳам илмий, ҳам амалий конференциядир. Унинг иши бутун характери ва йўналишини мана шу икки жиҳат, икки аспект белгилаб беради.

Конференция арафасида КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП иккинчи съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу съезд янги типдаги партия барпо этишга асос солган эди. Ўшанда бошланғич партия ташкилотларининг, ўша пайтдаги завод социал-демократик ячейкаларининг характери ва мазмунига алоҳида эътибор берилган эди. В. И. Ленин бу ячейкаларни омма орасидаги тарғиботчилик, ташвиқотчилик ва амалий-ташкилий ишнинг таянч нуқталари деб билган эди.

Конференция бошланғич партия ташкилотларининг мамлакат турли регионларида орттирилган амалий иш тажрибасини умумлаштиришга ёрдам беради. Бу соҳада ҳам биз В. И. Лениннинг маслаҳатига амал қиламиз. У «марказий ва жойлардаги амалий тажрибамиз бераётган нарсаларни ўрганиш кўпроқ...» бўлиши зарурлиги ҳақида ёзган эди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида ўртоқ Ю. В. Андропов партия, давлат, хўжалик органларининг, барча меҳнат коллективларининг фаолиятини энг асосий соҳаларга қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Ҳозир бошланғич ташкилотларнинг обрўнинг фаолияти мана шундай энг асосий соҳаларга қаратилмоқда, бутун партиямизнинг обрў-эътибори бошланғич ташкилотларнинг обрў-эътиборидан ташкил топади.

«Меҳнаткашларнинг активлигини ривожлантириш, интизомни мустаҳкамлаш, иш услубини такомиллаштириш — бошланғич партия ташкилотларнинг актуал вазифаларидир» деган мавзуда КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов доклад қилди.

Ўртоқлар, сизларга Юрий Владимирович Андроповнинг самимий саломини, унинг конференция ишида муваффақиятлар тилаб билдирган эзгу истакларини зўр мамнуният билан топширaman, деди у. Ушбу конференциянинг ўтказилиши КПСС Марказий Комитетининг жойларда тўпланаётган хилма-хил амалий тажрибага ленинча эътибор бериб қараётганлигининг яна бир кўринишидир. Шу тажрибани идрок этиш, жамики энг қимматли ва умум аҳамиятли тажрибаларни умумлаштириш, ундан практикада қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш мумкинлигини биргаликда ўйлаб кўриш муҳимдир.

Конференция Коммунистик партия, бутун совет халқи КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари ўртага қўйган социал-иқтисодий вазифаларни амалга ошириш устида сабот билан ишлаётган бир вазиятда ўтмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитет ноябрь Пленумидаги нутқида ва ССР Иттифоқининг 60 йиллиги нишонланишига бағишланган тантаналардаги докладида, унинг «Карл Маркс таълимоти ва СССРдаги социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» номли мақоласида олдимизда турган вазифаларни ҳал қилиш йўллари ҳақида принципиал қоидалар баён этиб берилган. Меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоатини ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга, уларнинг ижодий ташаббускорлиги ва ҳаваскорлигини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга жуда муҳим аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ҳар томонлама ошириш зарурлиги айниқса равшан кўриниб турибди.

Мана, 80 йилдирки, ўз фаолиятини меҳнаткашларнинг манфаатларига беғараз хизмат қилишга, социализм ва коммунизм учун курашга бағишлаган партиямиз дунёни революцион тарзда янгилашнинг олдинги маррасида турибди, деди сўзини давом эттириб докладчи. Унинг ҳаёт қобилияти кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотлари сиймосидаги пойдеворининг, негизининг мустаҳкамлиги, пишиқ-пухталиги билан белгиланади.

В. И. Ленин янги типдаги пролетар партиясини тузар экан, қуйи ташкилотлар сўзда эмас, балки амалда унинг асосий ташкилий ячейкаси бўлиб қолишига эришиш зарурлигини уқтирган эди. Ривожланган социализм босқичида цех ташкилотлари ва партия группаларининг кенг тармоғига эга бўлган бошланғич ташкилотлар партия сиёсатини амалга оширишда, иқтисодий, социал-сиёсий ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишда тобора каттароқ роль ўйнамоқдалар, партияни омма билан мустаҳкам бирлаштириб турибдилар. КПССнинг жамиятдаги обрў-эътибори ва нуфузи ўсишининг объектив қонунияти мана шунда намоён бўлади.

Аввало хўжалик-иқтисодий тараққиётимизнинг замонавий тенденциялари — экономикани интенсивлаш, фан-техника тараққиёти суръатларини такомиллаштириш, моддий ва меҳнат ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш зарурати пишиб етилганлиги, ишнинг сифат — кўрсаткичлари биринчи ўринга чиқариб қўйилаётганлиги бошланғич партия ташкилотларининг ролини оширишни тақозо этади. Партиянинг жамиятимизни ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларига оид директивалари меҳнат коллективларининг кундалик практикасида ўзининг конкрет ифодасини топиши учун бўлган масъулият қуйи ташкилотлар зиммасига тушади. Партия ташкилотларига таянмай туриб, ҳозир социал ривожланиш вазифаларини ҳам муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди.

Социалистик демократияни янада такомиллаштириш ва жумладан, бевосита ишлаб чиқаришдаги демократик негизларни мустаҳкамлаш принципиал аҳамиятга эгадир. Социалистик жамиятнинг кучайиб бораётган тарбиявий имкониятларини рўёбга чиқариш, шахснинг юксак гражданлик фазилатларини, коллективчилик, ватанпарварлик ва интернационалистик онги ҳамда феъл-атворини шакллантириш бевосита партия ташкилотига боғлиқдир.

Меҳнат коллективининг сиёсий ўзаги бўлмиш бошланғич партия ташкилоти шу коллективнинг кенг конституцион ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга актив кўмаклашиши лозим. У меҳнат коллективи фаолияти ва ривожланишининг ҳамма жиҳатлари учун, шу коллективда соғлом маънавий, сиёсий иқлимни вужудга келтириш учун, унинг муштарак ишга қўшадиган ҳиссаси учун партия олдида жавобгардир.

Ҳозир КПСС сафларида 18 миллион 118 минг коммунист бор. 8 миллиондан иборат ишчилар партиянинг социал составида етакчи роль ўйнайди. Улар колхозчилар билан биргаликда барча коммунистларнинг учдан икки қисмини ташкил этадилар. Ҳозирги вақтда 426 мингта бошланғич партия ташкилоти бор. Уларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи мамлакат меҳнатга яроқли аҳолисининг 70 процентдан кўпи машғул бўлган ишлаб чиқариш коллективларида иш кўрмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси партия ташкилотларининг катта ташкилий-сиёсий имкониятларидан далолат беради.

Социалистик экономиканинг ички резервларидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ғоят тўла-тўкис фойдаланиш меҳнат ғайратининг ўзагидир. Шу резервларни ҳаракатга келтириш, корхоналардаги хўжалик фаолияти партиянинг иқтисодий сиёсатига тўла мувофиқ равишда олиб борилишини таъминлаш — партия ташкилотларининг бурчидир. Коллективларни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш планларини бажариш тўғрисида ғамхўрлик қилиш улар учун бош вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

И. В. Капитонов беш йиллик топшириқларини бажариш масалаларига тўхталиб, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларига мувофиқ, марказда ва жойларда катта ишлар бошлаб юборилганини таъкидлаб ўтди. Партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси серунум меҳнатни, омманинг танг жойларни бартараф этиш соҳасидаги ташаббусини рағбатлантирувчи иқтисодий ва ташкилий характердаги тадбирларнинг кенг доирасини амалга оширмоқдалар. СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари коллективларнинг хўжалик фаолиятини чуқур тушуниб етишлари, самарадорлик ва сифатни оширишга зўр беришлари, давлат манфаатларига риоя этилиши учун талабчанликни кучайтиришлари лозим. Шу муносабат билан шартномаларга мувофиқ хом ашё ва маҳсулот етказиб бериш планлари ҳамда мажбуриятларининг сўзсиз бажарилиши зарурлигига эътибор қаратилди. Барқарор хўжалик алоқалари учун кураш иш жойидан бошланади, бригадаларда, цехларда олиб борилади. Бу курашнинг натижалари ҳар бир ходимнинг ўз вазифаларини виждонан бажаришига бевосита боғлиқ бўлади. Бу соҳада ҳам партия ташкилотлари айниқса актив таъсир ўтказишлари керак.

Хўжалик ҳисобидаги бригадалар турмушдан мустаҳкам ўрин олиши ҳақида партиявий ғамхўрлик қилиш, шу бригадаларни коммунистлар билан мустаҳкамлаш, уларда партия группаларини дадиллик билан тузишга киришиш лозим. Партия ташкилотлари ишда конкретлик ва ишчанликни қарор топтириш учун маъмуриятнинг фаолиятини контрол қилиш соҳасида КПСС Уставида бериб қўйилган ҳуқуқдан яхшироқ фойдаланишлари керак. Айрим хўжалик раҳбарларининг ўз камчиликларини объектив сабаблар деб аталган баҳоналар билан оқлаш йўлидаги уринишларига қарши кескин курашмоқ зарур. Партия контролининг кучи проблемаларни чуқур анализ қилишдан, бутун ташкилотчилик ва тарбиявий фаолият билан боғлиқ бўлишдан, контролнинг таъсирчанлигидан иборатдир.

Социалистик мусобақа оммани сафарбар этишнинг қудратли воситасидир. Партия ташкилотлари мусобақани меҳнат унумдорлигини оширишга, барча турдаги ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни бутун чоралар билан тежашга, бошқа кўрсаткичларни яхшилашга йўналтириб тўғри иш қилмоқдалар. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг катта-катта имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш муҳимдир. Бу йил ана шу ҳаракатга 25 йил тўлади.

Докладчи интизомни мустаҳкамлаш борасида бошланғич партия ташкилотларининг вазифаларига батафсил тўхталиб ўтди. Бу ишни кучайтириш, уни мунтазам равишда, аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориш, ҳар бир коллективда юксак талабчанлик муҳитини доимо сақлаб туриш лозим. «...интизом — меҳнат, план, давлат интизоми дуруст бўлмаса, — деди ўртоқ Ю. В. Андропов, — биз олға томон тез бора олмаймиз... бизга онгли, амалий интизом керак, ишлаб чиқаришни олға силжитадиган интизом керак. Биз интизом учун курашга катта мазмун бахш этишимиз, уни бевосита ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши билан боғлашимиз лозим... шунда партия Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми белгилаган иш бажарилади».

Коллектив ўзининг тарбиявий ролини бутун чоралар билан ошириш, унда интизомни бузувчиларга қарши соғлом жамоат фикрини шакллантириш, интизом ички тартиб — қоидаларига қатъий риоя этишгина эмас, шу билан бирга ўз ишига онгли, ижодий муносабатда бўлиш кераклигини ҳам ҳар бир меҳнаткаш чуқур англаб олиши руҳида тарбиялаш керак. Тартиббузарларгагина эмас, балки уларга йўл қўйиб бераётганларга ҳам қарши муросасиз кураш олиб бориш талаб этилади. Интизом ва тартиб йўли муттасил ўтказилаберишини қатъий тушиниб олишларини кишилар онгида мустаҳкамлаш муҳимдир.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг секретари меҳнат коллективларини жипслаштириш, уларда ўртоқлик, ишонч ва ўзаро ёрдам вазиятини вужудга келтириш ишида партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни таърифлаб берди. У партия ташкилотлари кишиларнинг меҳнат, турмуш ва дам олишлари учун уларнинг профессионал ва маданий жиҳатдан ўсишлари учун тегишли шароитларни вужудга келтириш, уй-жой, маиший ва бошқа социал масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилиши тўғрисида партия ташкилотларининг доимий ғамхўрлик қилишлари зарур эканлигини қайд этиб ўтди. Меҳнаткашларнинг жамоат активлигини ривожлантириш муҳим вазифадир. Касаба союз, комсомол ташкилотлари, коллективдаги барча жамоат органлари самарали иш кўришларига, ҳар бир кишининг ўз ижодий имкониятларини намоён этишга ёрдам берадиган бўлишларига партия ташкилотлари кўмаклашишлари лозим. Сиёсий-тарбиявий иш ҳам шу мақсадга хизмат қилиши керак.

Нотиқ коммунистларнинг авангардлик ролини оширишга муфассал тўхталиб ўтди. Бу роль омманинг раҳбари ва ташкилотчиси бўлмиш партия табиатининг ўзидан келиб чиқади. Вазифа умумий ишда ҳар бир коммунистнинг актив иштирок этишидан иборатдир. Партия интизомини мустаҳкамлаш бошланғич ташкилотларнинг кундалик вазифасидир. Партиямизнинг шон-шарафи ва обрў-эътиборига даҳлдор бўлган ҳамма ишда муросасиз талабчанлик — коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида коммунистлар авангардлик ролини янада оширишнинг ғоят муҳим шартидир.

КПСС Марказий Комитети барча бўғинларда ленинча иш услубини қарор топдиришга катта аҳамият бермоқда. Бошланғич партия ташкилотларига татбиқан бу нарса ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иш бирлигини амалда таъминлашни, хўжалик ва социал масалаларни ҳал этишга изчил сиёсий ёндошишни; қабул қилинадиган қарорларни сўзсиз бажаришни ташкил этиш сари қатъий бурилишни, контролни кучайтиришни, топширилган иш учун кадрларга нисбатан талабчанликни оширишни; бошланғич цех партия ташкилотлари ҳамда партия группаларининг кучи ва эътиборини кишилар билан жонли иш олиб боришга, партиянинг омма билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга жалб этишни; ишда омилкорлик, уюшқоқликни оширишни, расмиятчилик ва қоғозбозликка барҳам беришни; хўжалик раҳбарларининг, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг иш услубига партия таъсирини кучайтиришни билдиради. Ана шу талабларни ҳисобга олмай туриб, партия ташкилотларининг оммага сафарбар қилувчи таъсир ўтказиши мумкин эмас.

Партия ташкилотлари жанговарлигини, уларнинг иш самарадорлигини ошириш йўллари жуда хилма-хилдир. Сайлаб қўйиладиган активнинг ролини, партия йиғилишларини ўтказиш савиясини ошириш, раҳбар органларнинг фаолиятини яхшилаш шулар жумласига киради. Раҳбар органлар коллегиячиликни шахсий масъулият билан чамбарчас қўшиб олиб боришлари, реал иш ўрнига сафсатабозлик ва мажлисбозлик қилиш йўлидаги уринишларнинг пайини қатъиян қирқишлари лозим.

Партияда услубни такомиллаштириш ишлари барча босқичларда олиб борилмоқда. Докладчи бундаги мавжуд тажрибага, кадрларга нисбатан қўйилаётган талабларга тўхталиб ўтди. Одатда бизнинг ходимларимиз тайёрланган, малакали кадрлардир, деб уқтирди у. Эндиликда эса ишнинг муваффақиятини кадрларнинг масъулияти, уларнинг ижодий активлиги ҳал қилади. Мана шу фазилатларни тарбиялаш — бошланғич партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Докладда юқори партия органларининг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш масалаларига талайгина ўрин берилди. КПСС Марказий Комитети бу масалаларга катта аҳамият бермоқда, қуйи бўғинларнинг иш тажрибасини муттасил умумлаштириш билан шуғулланмоқда. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумидан кейингина унинг қарорлари асосида Кустанай область Федоровск районидаги «Путь к коммунизму» колхози, «Днепрошина» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янка Купала номли Белоруссия давлат академик театри партия ташкилотларининг фаолияти атрофлича муҳокама қилинди. Ҳисоботнинг юқори органда тайёрланиши ва муҳокама қилиниши партия ташкилотларининг сиёсий кўрсатмаларни амалий ишларга татбиқ этишларида ёрдам беради.

Бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик уларга нисбатан буйруқбозлик қилишни асло билдирмайди. Раҳбарликда демократик централизм билан, партия оммасининг ташаббуси ва ижодкорлиги ижрони пухта ташкил этиш ва қатъий контроллик билан узвий боғланади. Партия комитетлари, айниқса, шаҳар ва район партия комитетлари ҳар бир бошланғич ташкилотга яқин туришлари, меҳнат коллективларидаги вазиятни, кадрларни яхши билишлари, уларга ўз ишларини яхши йўлга қўйишда ёрдам беришлари, илғорлар тажрибасини умумлаштириб оммалаштиришлари шарт. Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари доимо эътибор, ёрдам ва мадад бериб турилишига муҳтождирлар.

Партия ташкилотларининг иши ғоят хилма-хил ва бой. Бу ишни доимо ва чуқур ўрганса арзийди. Бунда кўпгина проблемалар борки, бу проблемалар олимларнинг зўр эътибор беришлари, партия публицистлари жанговар қаламга олишларини кутмоқда. Жумладан, партия ташкилотларининг секретарларига, партия группа ташкилотчиларига, ёш коммунистларга мўлжалланган яхши адабиёт керак.

Пировардида И. В. Капитонов бундай деди: конференция якунлари партия XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш соҳасида бошланғич партия ташкилотларининг ишини яхшилашга қўшилган амалий ҳисса бўлиб қолиши муҳимдир.

Биринчи ялпи мажлисда Грузия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Г. В. Колбиннинг, КПСС Ленинград область комитети иккинчи секретари В. Я. Ходыревнинг, КПСС Москва шаҳар комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири И. Б. Бугаевнинг, Белоруссия Компартияси Минск шаҳар комитети биринчи секретари Г. Г. Бартошевичнинг, Украина Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Г. К. Крючковнинг, Украина Компартияси Никополь район комитети биринчи секретари В. И. Остапченконинг, Свердловск «Уралхиммаш» бирлашмаси партия комитети секретари В. И. Санниковнинг, Краснодар ўлкасидаги «Победа» колхози партия комитети секретари И. А. Мурзовнинг, Олмаота ип газлама комбинати партия комитети секретари Д. С. Жалқибоеванинг, Новосибирск область Ғарбий Сибирь темир йўли Болотная станцияси узел партия комитети секретари С. П. Гаврилиннинг, Тошкент областидаги «Партия XXV съезди» совхози партия комитети секретари Ю. Шукуралиевнинг, КПСС Красноярск ўлка комитети иккинчи секретари Л. Г. Сизовнинг, Орел область Глазунов район партия комитети биринчи секретари Т. Н. Коноваловaнинг, С. М. Киров номидаги Ленинград давлат академик опера ва балет театри партия ташкилотининг секретари, СССР халқ артисти В. М. Морозовнинг, Эстония Компартияси Марказий Комитети секретари Р. Э. Ристланнинг ахборотлари ҳам тингланди.

КПСС XXVI съездидан, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларидан сўнг мамлакат бошланғич партия ташкилотларида тўпланган ғоят хилма-хил амалий тажриба нутқларда ўз ифодасини топди, партия ташкилотлари кўп томонлама ишларининг турли жиҳатлари кўрсатиб берилди, меҳнат коллективларида хўжалик ва тарбия вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш йўллари белгиланди. Маҳаллий тажриба қанчалик бой, қанчалик хилма-хил бўлса умуман партиянинг фаолияти шунчалик самарали бўлади, деган асосий фикр баён этилди.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

* * *

Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов ва конференциянинг бошқа қатнашчилари Тбилисидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

● **БОКУ**

«Каспморбурстрой» трестининг ходимлари денгизда темир-терсак йиғиб ола бошладилар. Бу темир-терсаклар Каспий денгизида пармалаш ишлари учун ўрнатилган платформаларнинг ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган конструкцияларидир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бундай платформаларни кўчириб олиш қарийб 200 минг тонна металл тўплаш имконини беради.

● **БРЯНСК**

Брянск областида одатдагидан анча барвақт баҳорги дарахт ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Турли техника билан таъминланган юздан ортиқ механизациялашган отрядлар, бригадалар ва звенолар мазкур ишларни бажармоқда. Мактабларнинг ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари аъзолари уларга кўмаклашмоқдалар. Сал кам етти минг гектар майдонга кўчат ўтказилади. Дарахт кесилган жойларда, жар этакларида, дарё ва кўл соҳилларида дарахтзорлар барпо этилади. Уруғлик учун ўтказиладиган игна баргли дарахтзорлар кенгайтирилади.

● **ҚОЗОН**

Профессионал революционер Н. Э. Бауман туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб Татаристон давлат музейида экспозиция очилди. Ҳужжатлар, хатлар, газеталар, китоблар большевиклар партиясининг арбоби, В. И. Ленин сафдошининг ҳаёти билан таништиради. Н. Э. Бауман Қозонда бўлган ёдгорлик жойларнинг фотосуратлари намойиш қилинмоқда.

● **ГАГРА**
(Абхазия АССР).

Қора денгиз бўйидаги Гагра курортида «Кўклам оҳанглари» ёшлар қўшиқлари фестивали ниҳоясига етди. Фестивалда профессионал артистлар билан бирга ҳаваскор коллективлар ва ижрочилар ҳам иштирок этдилар. Шаҳарнинг кўплаб шифохоналарида ҳордиқ чиқараётган меҳмонлар орасида конкурс эстрадасига чиқишни истовчилар ҳам кўп бўлди. Гагра мактаб ўқувчиси Манана Дадиани ва сахалинлик геолог Надежда Анненкова конкурс ғолиблари бўлишди.

● **ТОМСК**

Томсклик олимлар ва овшунослар Обь бўйи тайгасида ҳайвонларнинг кўкламги авнаҳисобини ола бошладилар. Бу рўйхатдан мақсад ўрмонда яшайдиган ҳайвонотни сақлаш ва кўпайтиришдан иборатдир. Безовталик омили ошган газ-нефть қазиб чиқарилувчи районлар алоҳида назоратга олинди. Кейинги йилларда бу жойларда 12 та заказник ташкил этилган бўлиб, уларда ов қилиш ва балиқ тутиш, дарахт йиқитиш, ёввойи ўт-ўланларни ўриб олиш тамомила тақиқланди. Ана шу чоралар туфайли Обь бўйи тайгасида кийик, буғи, қоплон, қоракузан, сувсарлар анча кўпайиб қолди.

● **АШХОБОД**

Ашхобод областининг хўжаликлари Туркманистонда биринчи бўлиб янги боғ ва токзорлар барпо этиб бўлишди. Копетдоғ этагидаги Қорақум канали зонасида ва тоғ ёнбағирларидаги 3500 гектар бўз ерда узум ва мева етиштириладиган катта бир база вужудга келтирилмоқда. Шу кўклам республикада 5700 гектар чамаси майдонга ток ва мева кўчатларини ўтқазиш мўлжалланади.

(ТАСС).

Пиллакорлар шай

ЧИНОЗ районидаги «Москва» колхози меҳнаткашлари йилдан-йилга пилла етиштиришни кўпайтирмоқдалар. Жумладан, 1982 йилда давлатга 7 тонна қимматли хом ашё етказиб берилди. Бу ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортларга топширилди.

— Пилла, деҳқонларимизнинг биринчи ҳосили, — дейди колхоз раиси Оллоберди Худойберганов. — Хўжалигимизда пилла етиштиришни кўпайтириш учун мустаҳкам озуқа базаси бўлган тут кўчатларини кўпайтиришга жиддий эътибор берамиз. Ҳар йили ариқ ва зовур бўйларига, чиқинди майдонларга янги ниҳоллар ўтқазилади. Бу эса айни долзарб паллада ипак қуртларини бемалол барг билан таъминлаш имконини беради.

Хўжаликда мавжуд ипак қурти боқиладиган хоналар, комплекслар тўла ремонтдан чиқарилди. Зараркунандаларга қарши икки марта дизенфекция қилинди. Колхоз пиллакорлари бу йил давлатга 9 тонна қимматли хом ашё етказиб бериш мажбуриятини олишган.

Тажрибали пиллакорлар З. Мирваҳобова, Э. Казакова, М. Абдуллаевалар 2—4 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 130—150 килограммдан «кумуш тола» етиштириш ташаббуси билан чиқдилар.

Г. МАМБЕТОВА.

ОЛДИМИЗДА КАТТА ИШЛАР ТУРИБДИ

МАМЛАКАТИМИЗ рангли металлургия саноатининг йирик корхоналаридан ҳисобланган Олмалиқ кон-металлургия комбинати ўтган хўжалик йили ва шу йилнинг икки ойини қандай якунлади, умуман ун биринчи беш йилликнинг учинчи марказий йилида ишчи-хизматчилар олдида қандай вазифалар турибди? Мухбиримизнинг шу саволларига комбинат директори, СССР Давлат мукофотининг лауреати Мнайдар Рамазонович РАМАЗОНОВ қуйидагича жавоб берди:

— КЎП МИНГ кишилик коллективимиз ўзининг бутун куч-ғайрати, тажрибаси ва маҳоратини комбинат олдида турган масъулиятли вазифаларни ҳал қилишга сафарбар этмоқда. Барча корхоналарда фан-техника ютуқлари, илғор иш усуллари, прогрессив технология кенг жорий қилинмоқда. Социалистик мусобақа тобора авж олдириляпти, ташаббусларни оммалаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мавжуд қудратли асбоб-ускуналардан фойдаланиш яхшиланмоқда. Шунинг учун ҳам давлат планлари муваффақиятли бажариляпти.

Ишчи-хизматчиларимиз мавжуд цехлар, транспорт ва бошқа инженерлик тармоқлари реконструкция қилинаётган қийин шароитларда ҳам суръатни бўшаштиришмаяпти. Шу туфайли ўтган йилги план асосий кўрсаткичлар бўйича тўла бажарилди. Товар маҳсулотини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш топшириғи тўла уддаланди. Фойда олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, давлат сифат белгиси билан маҳсулот, тоза ва қора мис ишлаб чиқариш, рух ва қўрғошинни концентратларда тайёрлаш ва бошқа қатор рангли металлар турлари бўйича топшириқлар шараф билан уддаланди.

Мис заводи, Саричек ва Олтинтопган конлари, қўрғошин саралаш фабрикаси меҳнаткашлари янада юксак кўрсаткичларга эришдилар. Мингдан ортиқ ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ўзларининг шахсий йиллик планларини муддатидан илгари бажаришди. Бундай пешқадамлар сафида Александр Михайлович Пивоваров, Раҳмат Алимов бошчилигидаги кон очиш бригадалари, электровоз машинисти Александр Павлович Вихарев, технологик транспорт ҳайдовчилари Фоил Ҳакимов, Муржум Азизов, Бахтиёр Жаъфаров ва бошқа ўртоқлар бор. Айниқса, Николай Кузьмич Иевлев бошчилигидаги бурғуловчилар бригадаси самарали ишламоқда. Бригада аъзолари ҳозирги вақтда йилимизнинг иккинчи ярим йиллиги ҳисобига меҳнат қилишяпти. Биргина ўтган йили пландагидан ташқари 8 километр скважиналар бурғулашди. Улар бу йил ҳам мусобақа пешқадамлари сафида боришяпти. Донгдор бригадирнинг ғайрат-шижоатга тўла меҳнати муносиб тақдирланди. У 1982 йил иш якунлари бўйича область мукофоти лауреати деган юксак номга сазовор бўлди.

Комбинатимиз коллективи бу йил ҳам дуруст ишламоқда. Давлат планлари ортиғи билан адо этиляпти. Ўтган икки ойда қўшимча кўпгина миқдорда турли-туман маҳсулот тайёрланди.

Комбинатимизнинг истиқболи ниҳоятда порлоқдир. КПСС XXVI съезднинг тарихий қарорларида корхонамиз ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш юзасидан улкан программа белгилаб берилди. Ҳозирги вақтда ана шу режани амалга ошириш учун қизғин кураш бормоқда. Комбинат ишлаб чиқариш бўлинмаларини реконструкция қилиш ва техник қайта ускуналаш ишларини жадаллаштириш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Ўтган уч ярим йил мобайнида юзларча миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 1982 йилда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 1979 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд кўпайди. Ўнлаб саноат объектлари, шу жумладан Қалмоққир, Саричек, Олтинтопган конларида, мис саралаш фабрикасида янги қувватлар ишга туширилди, рух заводини кенгайтириш ишлари тугалланди.

ЯКУНЛАР ВА РЕЖАЛАР

Айни вақтда социал ривожлантириш программасида белгиланган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Шу давр мобайнида 85 минг квадрат метрдан ортиқ саҳнли уй-жой майдони кончилар оилалари ихтиёрига топширилди. 1160 ўринли тўртта болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Профилакторийнинг иккинчи навбати қурилди. 784 ўринли мактаб кончилар фарзандларини ўз бағрига олди. Ҳозирги вақтда поликлиника, ишчи таъминоти бошқармаси ва ёрдамчи хўжалик объектлари бунёд этилмоқда.

Корхоналарни реконструкция қилиш қатори фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш юзасидан йирик тадбирлар кўрилди. Конлардаги техника воситалари янада такомиллашди. Анча қувватли янги агрегатлар фойдаланила бошланди. Саралаш фабрикаларида технологик жараёнлар мустақил такомиллаштирилаяпти. Бу маъданлардан рангли металл ажратиб олиш даражасини сақлаб қолиш экономини бермоқда. Кислород-машъала ёрдамида мис эритиш бўйича лойиҳадаги қувват анча оширилди. Коллективимизнинг металлургия саноатида янгилик ҳисобланган ана шу прогрессив усулни жорий қилишдаги изланиши муносиб тақдирланди. Комбинатимизнинг бир группа ишчилари, инженер-техник ходимлари ва мутахассисларига ўтган йили СССР Давлат мукофоти берилди.

Ишимизни КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида таҳлил қиладиган бўлсак, ҳали катта-катта камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлиги яққол кўзга ташланади. Тўғри, қийинчиликларимизнинг объектив сабаблари ҳам бор. Эҳтиёт қисмлар, асосий технологик хом ашё ва материаллар, электр энергияси ва табиий газнинг етишмаслиги шулар жумласидандир. Лекин, бевосита ўзимизга боғлиқ бўлган, бизнинг лоқайдлигимиз билан содир бўлаётган нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида жуда кўп резервлар ва имкониятлар бой берилмоқда. Асосий корхонамизда бирон ҳисобланган Қалмоққир конида кон-транспорт асбоб-ускуналари кўнгилдагидек фойдаланилмаяпти. Бу ерда унумли меҳнат қилиш учун зарур шароитлар яратиб берилмаган. Бундан ташқари, машиналарга техник хизмат кўрсатиш аҳволи лозим даражада эмас. Планли-эҳтиёт ремонт ишлари ўз вақтида амалга оширилмайди, бунинг устига кўпинча сифатсиз бажарилади. Оқибатда асбоб-ускуналарнинг пландан ташқари тўхтаб туриши кўпайди. Бу ўз навбатида унумдорликнинг пасайишига олиб келди.

Комбинатни реконструкция қилишда ҳам анчагина нуқсонлар бор. Айниқса, капитал қурилиш ишларини олиб бориш даражаси замон талабларига жавоб бермаяпти. Капитал маблағлар тўла ўзлаштирилмаяпти. Социал объектлар қурилишида сусткашликка йўл қўйилмоқда, уй-жойлар, социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари қурилиши пландагидан орқада қолмоқда. Бу ерда пудратчи қурилиш ташкилотлари қатори комбинатимиз корхоналари ва хизматчиларининг ҳам айби бор.

Бу йил коллективимиз олдида муҳим вазифалар турибди. Биз айниқса, ҳом ашё базасини мустаҳкамлашда кўп иш қилишимиз керак. Кон устини очиш, кон тайёрлаш ва конларда маъдан қазиб чиқариш ишлари ҳажмини ҳамда саралаш фабрикаларида металлар ажратиб олишни кенгайтиришимиз керак. Қатор янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиши лозим. Мис саралаш фабрикасида майдалаш-саралаш комплексини барпо этишдаги қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш талаб этилади. Мис ғўласи цехининг иккинчи навбатини фойдаланишга топшириш вазифаси турибди.

Бундан ташқари, коллективимиз ишлаб чиқариш қувватларя ва механизмлардан, аввало кон-транспорт асбоб-ускуналаридан фойдаланишни яхшилаши, меҳнат унумдорлигини ошириш вазифаларини ҳал қилиши керак. Саралаш фабрикаларида технологик асбоб-ускуналардан фойдаланишни, ишнинг сифат кўрсаткичларини ошириш зарур. Умуман ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ва кенгайтиришга қаратилган жуда кўп бошқа ишларни ҳам бажаришимиз лозим.

Бу мураккаб ва масъулиятли вазифаларнинг удасидан чиқиш учун барча корхоналаримиз коллективлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар, янги-янги резервлар ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Ҳамма жойда 1983 йил плани ва умуман ўн биринчи беш йиллики шараф билан уддалаш учун социалистик мусобақа қизғин тус олиб кетди. Ишчиларнимиз яхши ишлашни муқаддас бурч деб ҳисобламоқдалар.

ИЧКИ РЕЗЕРВЛАР ҲИСОБИГА

КПСС XXVI съездида ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида ташаббускорлик, ишчанликни ошириш, ишлаб чиқаришни ўстириш резервларидан самарали фойдаланиш, юксак уюшқоқлик ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида уқтирилган эди. Тошкентдаги экспериментал фурнитура —пластмасса заводи коллективи съезд кўрсатмалари асосида иш юритиб, кейинги йилларда бир қатор қиймматли ташаббуслар билан чиқди.

Айниқса, бу йил бошланган ташаббус диққатга сазовордир. Коллектив четдан қўшимча куч ва маблағ сарфламаган ҳолда, фақат ички резервлар ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қарор қилди. Корхонада фойдаланилмаётган резервлар оз эмас. Коммунистлар, барча ишчилар бу резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини 4,5 процентга ошириш юзасидан янги мажбуриятни қабул қилдилар. Бундан ташқари сменалараро бекор туриб қолишларни қисқартириш ҳисобига эса ишлаб чиқариш ҳажмини 6,5 процент кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Ўтган йили ҳам бу соҳада маълум ишлар қилинган эди. Коллектив мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш йўли билан йиллик топшириқни 5 декабрда бажаришга муваффақ бўлган эди. Меҳнат унумдорлиги пландагидан қариб 14 процент ошди. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўсиш фақат унумдорликни ошириш ҳисобига бўлди. Шу боисдан ҳам ўтган йили корхона СССРнинг 60 йиллиги шарафига ташкил қилинган мусобақада ҳамиша мукофотли ўринларни эгаллаб келди.

Яқинда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида коллектив аъзолари ўтган йилда бажарилган ишларни атрофлича таҳлил қилиб беш йилликнинг учинчи йилида резервлардан яна ҳам унумли фойдаланиш тадбирларини белгилаб олдилар. Завод партия ташкилоти бюроси аъзоси Владимир Карьев бригада формасида ишлаш қандай самаралар бераётганлигини йиғилишда сўзлаб берди. Ҳозирги кунда бригада 1983 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига меҳнат қиляпти.

Бундай ташаббускор ишчилар корхонада оз эмас. Фрунзе район Советн депутати Насиба Салимова кандидатлик муддатини ўташ даврида икки йиллик топшириқни бажариш юзасидан мажбуриятни қабул қилган эди. Ёш коммунист ўз сўзининг устидан чиқди.

М. ИУЛДОШЕВ.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

● **Республикамиз пойтахтидаги ёғ-мой комбинати коллективи бу йил самарали ишламоқда. Ўтган биринчи квартал плани ортиғи билан бажарилди. Ҳаммаси бўлиб 17 миллион сўмликдан кўпроқ кенг истеъмол товарлари реализация қилинди.**

Суратларда: социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, нормани доим ошириб бажараётган ишчилардан Турсуной Воҳидова (юқорида) ва Санобар Абдурахимовалар.

В. СИРОТКИН фотолари.

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ УЧУН

Шаҳарлар, районлар партия комитетлари, шаҳарлар, районлар ижроия комитетлари, маъмурий органлар 1982 йилда область жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда жамоат тартибини янада мустаҳкамлаш, гражданларни қонунбузарликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш соҳасида бир қанча тадбирларни амалга оширдилар.

Қилинган ишлар натижасида салбий ҳодисалар бўлишига йўл қўймаган аҳоли пунктлари ва меҳнат коллективлари сони кўпайди.

Область жамоат ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида корхоналар, муассасалар, колхозлар, совхозларда ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш, улардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш юзасидан конкрет чоралар белгилашди. Турар-жой массивларида социалистик турмуш тарзи қоидаларини бузувчиларга қарши кураш кучайтирилди. Уларда тартибни муҳофаза қилувчи жамоатчилик пунктлари, профилактика Советлари, кўнгилли халқ дружиналарининг роли ўсди.

Қонунбузарликнинг олдини олиш, намунали жамоат тартибини ўрнатиш юзасидан социалистик мусобақада Чирчиқ шаҳридаги «Электромашевский» микрорайони ва Паркент районидаги Новдак қишлоғи яхши кўрсаткичларни қўлга киритдилар.

«Электромашевский» микрорайони ва Новдак қишлоғида қонунбузарликнинг олдини олиш билан бевосита 17 ва 11 нафар халқ депутатлари, 534 ва 106 нафар турли жамоатчилик ташкилотларининг аъзолари шуғулланмоқдалар. Жамоатчиликнинг ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишдаги кенг иштироки туфайли «Электромашевский» микрорайонида жиноятлар сонини 50 процент қисқартиришга муваффақ бўлинди. Новдак қишлоғида эса жиноий хатти-ҳаракатлар умуман содир бўлмади.

Наримонов шаҳридаги тажриба ихтисослаштирилган ремонт ишлаб чиқариш корхонасининг марказий базасида, Пискент пахта заводида, Калинин районидаги Қўйлиқ теплица комбинатида, Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида ҳам жамиятга зид хулқ-атворларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш юзасидан ишлар актив олиб борилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1982 йилда намунали жамоат тартиби ўрнатиш юзасидан социалистик мусобақада эришган натижаларга кўра область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи ва 1,5 минг сўмлик биринчи пул мукофотини **Чирчиқ шаҳридаги «Электромашевский» микрорайонига** (микрорайон Советининг раиси Р. К. Саримсоқов) беришга қарор қилди.

Байроқ Ангрен шаҳридан олиб берилади.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи ва иккинчи 1000 сўмлик пул мукофоти билан **Паркент районидаги халқ депутатлари Намданак қишлоқ Совети** (раиси С. Валиев)нинг **Новдак қишлоғи** мукофотланди.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи ва 500 сўмлик пул мукофотлари билан:

Наримонов шаҳридаги тажриба-ихтисослаштирилган ремонт ишлаб чиқариш корхонасининг марказий базаси (директори И. А. Пророков, партия ташкилотининг секретари С. М. Рудешко, касаба союз ташкилотининг раиси П. С. Киселёв, комсомол ташкилотининг секретари Б. Юғай);

Пискент пахта заводи (директори И. Абдурахмонов, партия ташкилотининг секретари Ш. Ғафурова, касаба союз ташкилоти раиси Э. Туронов, комсомол ташкилотининг секретари Ш. Усмонова);

Калинин районидаги Қўйлиқ теплица комбинати (директори С. Ю. Чўтбоев, партия ташкилотининг секретари Э. Самигов, касаба союз ташкилотининг раиси Ҳ. Юнусова комсомол ташкилотининг секретари Ҳ. Маҳмудова);

Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози (раиси Н. Мадаминов, партия ташкилотининг секретари Ҳ. Назаров, касаба союз ташкилотининг раиси С. Норматов, комсомол ташкилотининг секретари С. Ширинов) коллективлари ҳам мукофотландилар.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига ушбу меҳнат коллективларининг тартиббузарликнинг олдини олиш ва намунали жамоат тартиби ўрнатиш борасидаги ишлари тажрибасини ёритиш топширилди.

МАЪМУРИЯТ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Чирчиқ шаҳри келаси йил баҳорида ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонлайди. Қудратли корхоналар, замонавий турар-жой массивлари, сергавжум кўчалар, кўркам хиёбонлар — ҳаммаҳаммаси ўтган йиллардан бизга ёдгорлик бўлиб қолди. Уларнинг барчасида тренимиз қурувчиларининг қўл излари бор.

Ҳозир ҳам шаҳарда қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. 1983 йилда салкам 50 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Бу ўтган йилда амалга оширилган ишлардан 32,8 процент кўп демакдир. Беш йилликнинг учинчи йилида халқ хўжалиги планига кирган 11 та ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилади, 55,6 минг квадрат метр турар-жой, 640 ўринли болалар боғчаси, 480 ўринли «Спутник» мактаби, профилакторий ва бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилади. Ҳозир трест партия комитети, цех партия ташкилотлари маъмурият билан ҳамкорликда бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишларини мана шу вазифаларни бажаришга қаратгандирлар.

Трест бўлинмаларида 19 та цех партия ташкилоти, 26 та партия группаси фаолият кўрсатяпти. Улар сафига 532 коммунист ва 25 партия аъзолигига кандидат бирлашган.

Партия комитети КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида хўжаликка партиявий раҳбарликнинг барча формаларидан самарали фойдаланмоқда.

Партия йиғилишлари, партия комитети ва партия бюроси мажлислари муҳокамасига қўйилаётган масалаларнинг учдан бир қисми техника-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилига, тежамкорлик режимини кучайтиришга, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, меҳнатни ташкил этиш ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига бағишланмоқда. Мажлисларда участка раҳбарлари ҳисоботини тинглаб бориш яхши самара беряпти.

Юбилей йилида меҳнатни ташкил этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш масалалари партия комитети мажлисларида 6 марта муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилди. Бу тадбирлар ўзининг ижобий самараларини берди. Прогуллар қисқариб қўнимсизлик камайди, ишга барака кирди. Пировардида иш суръати 1981 йилга нисбатан 23 процент ўсди, ўз кучимиз билан бажарилган ишлар ҳажми қариб 17 процент кенгайди.

Ўтган йили трест коллективи кучи билан Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида молибден прокати тайёрловчи янги қувватлар, Янгийўл пахта заводи учун 45 минг тонна ҳосил қабул қилувчи янги пункт, Чирчиқ савдо идораси учун 40 мингта бройлер боқиладиган паррандахона, кўплаб уй-жойлар, мактаблар, маданий-маиший объектлар қурилди. Биз 12 пунктдан иборат социалистик мусобақа шартларини қабул қилган эдик. Бу шартлардан 11 таси муваффақиятли бажарилди. Фақат 320 ўринли боғча қурилишини мажбурият бўйича учинчи кварталда эмас, балки тўртинчи кварталда фойдаланишга топширдик.

Мусобақага ҳар ойда якун ясаб борилаётганлиги учун ҳам қолоқларни тезроқ илғорлар даражасига етказиб олиш имкони туғиляпти. Энг муҳим объектларда эса мусобақага ҳар куни якун ясаб

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК

боришни тажрибадан ўтказяпмиз. Бу тадбир иш суръатини бир неча баробар оширяпти, пировард натижа учун курашни кучайтяпти. 1568 ўринли мактаб қурилишида шу тажриба қўлланилди. «Чирчиқжилстрой» бошқармаси коллективи мусобақада ғолиб чиқиб эсдалик Қизил байроғи ва диплом билан тақдирланди.

Бу йилги иш натижалари ҳам ғалаба бўлмаяпти. Йилимизнинг дастлабки икки ойида бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари плани 102 процент адо этилди. Ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34,7 процентни ташкил этди. Биргина «Чирчиксельмаш» заводида пландаги 200 минг сўмлик ўрнига 227 минг сўмлик иш бажарилди. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

Қурилиш майдонларида ишни намунали ташкил этишда партия ташкилотлари секретарлари Совети катта роль ўйнаяпти. Бундай Советларнинг бири ҳозир «Электрохимпром» бирлашмасининг аммиак ишлаб чиқариш комплекси қурилишида самарали фаолият кўрсатаяпти. Совет буюртмачи, пудратчи ва лойиҳачилар партия ташкилотлари ишини ўзаро қозуштирмоқда, зарур амалий ёрдам кўрсатмоқда, меҳнат коллективларида олиб борилаётган снёсий тарбиявий ишларни кучайтиришга таъсир ўтказмоқда.

Қурилиш ташкилотларида ва уларнинг бўлинмаларида туғилаётган муаммоларни тез таҳлил этиш ва зарур тадбирлар кўриш мақсадида маъмурият фаолиятини назорат қилувчи 12 та комиссия тузганмиз. Комиссия составига 95 коммунист ва партия аъзолигига кандидат сайланган. Улардан 47 киши ишчидир. Бундан ташқари қурилиш-монтаж ишлари сифати, тежамкорлик режими, янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш бўйича назорат қилувчи яна бир қатор комиссия тузилган. Айниқса, тежамкорлик бўйича тузилган комиссия иши характерлидир.

Комиссия аъзоларининг актив иштироки билан исрофгарчиликка барҳам берувчи, моддий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминловчи тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу туфайли ўтган йили 92 тонна металл прокати, 373 тонна цемент, 187 минг киловатт соат электр энергияси, 82 кубометр ёғоч материаллари тежаб қолинди. Бу соҳада бригада пудрати асосида ишни ташкил этиш айниқса қўл келяпти.

Партия йиғилишларида, партия комитети ва партия бюроси мажлисларида бригада пудратини жорий этиш, бу соҳага кўрсатилаётган ёрдамни кучайтириш билан боғлиқ масалалар мунтазам равишда муҳокама қилиб келиняпти. Ҳозирги пайтда 46 та коллектив бригада пудрати усулида ишламоқда.

«Химстрой» бошқармасидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, трест бригадирлар Совети раиси Н. И. Ермолаева, 277-кўчма механизациялашган колоннадан шаҳар партия комитети аъзоси В. М. Жаркова, «Жилстрой» бошқармасидан мураббийлар Совети аъзоси В. Оқмуллаев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари пудрат усулининг афзалликларини ҳар қадамда намойиш этмоқдалар. Бригадирлар Советида бундай коллективлар тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда.

Трест партия комитети илғор тажриба ва ташаббусларни кенг ёйиш мақсадида қурувчилар ва монтажчилар ўртасидаги ахборот ишларини тобора такомиллаштирмоқда. «Жанговар варақа», «Чақмоқ» мунтазам чиқиб турибди. Снёсий ахборотлар ўтказишга хўжалик раҳбарлари ҳам жалб этилди. Трест бошқарувчиси ҳузурида ҳар ҳафтада идеология бўйича планёркалар ўтказиш одат тусига кирди. Бу тадбирлар хўжалик ва тарбиявий ишларни бир-бирига боғлаган ҳолда олиб боришга ёрдам беряпти.

Н. ТОНКИХ,
Чирчиқдаги 160-қурилиш трести партия комитетининг секретари.



КОМСОМОЛ АХБОРОТИ

ЁШЛАР ТАШАББУСИ

Янгийўл шаҳри йигит-қизлари меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва прогулларни кескин қисқартириш ҳисобига йиллик топшириқларни муддатидан олдин бажаришга интилмоқдалар. Ҳозир корхоналарда бўлиб ўтаётган комсомол йиғилишларида бу соҳадаги вазифалар конкрет белгилаб олинмоқда.

«Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ташкилотининг йиғилишида сўзга чиққан илғор ишчилардан Людмила Касмилина, Валентина Бесхмельной ва бошқалар ўз ички имкониятларини тўла ҳисоблаб чиқиб, ВЛКСМнинг 65 йиллигигача 1983 йил планини бажаришга сўз бердилар.

Мебель фабрикасининг В. Сабуров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари «Беш йиллик даҳиқаларини тежа!» деган шиор билан чиқдилар. Ҳозир бу шиорни шаҳардаги барча йигит-қизлар қўллаб қувватламоқдалар.

ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати ёшлари техника ижодиётини янада равнақ топтириш бўйича бундан буён бажаридиги лозим бўлган вазифалар яқинда атрофлича муҳокама қилинди. Чирчиқ шаҳар комсомол комитети, ВОИРнинг шаҳар Совети ва «Социалистический Чирчик» газетаси ўзаро ҳамкорликда ташкил қилган давра суҳбатига комбинатнинг ёш рационализатор ва ихтирочилари таклиф қилинди.

Ўзаро суҳбат чоғида иқтисодий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, илмий-техника тараққиётини, маҳсулот сифатини яхшилаш ва тежамкорлик режимини кучайтиришда ёшлар активлигини янада ошириш зарурлиги уқтирилди.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ

Коммунистик район мактаб ўқувчилари спартакиадасининг иккинчи босқичида 3100 ўқувчи қатнашди. Улар спортнинг беш тури бўйича ўзаро беллашдилар. Иккинчи босқич якунлари бўйича 19-, 23- ва 14-мактаб ўқувчилар командаси ғолиб чиқди.

Спартакиадага 15 апрелда якун ясалади. Бундай тадбирлар ёшларни жисмоний жиҳатдан чиниқтиришга ва маҳоратини оширишга ёрдам беряпти.

МАИШИЙ ХИЗМАТ — ЕШЛАР ОТАЛИҒИДА

СИФАТЛИ, ХУШБИЧИМ

Пискент район маиший хизмат кўрсатиш комбинатида асосан йигит-қизлар меҳнат қилишади. 17 хилдаги буюртмаларни бажаришга ихтисослаштирилган 5 та бригаданинг 4 таси комсомол ёшларидан иборат.

«Партия XXVI съезди» совхози территориясига жойлашган ВЛКСМ аъзоси Зоя Ахмедзянова раҳбарлик қилаётган тикувчилик цехи коллективи улар орасида пешқадамлардан саналади. Цех бичиқчи ва тикувчилари беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилганлар. Улар буюртмалар сифатига алоҳида эътибор бериб, ойлик ва квартал планларини ҳамиша 200 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Вазира Комилова бригадаси ҳам ўзаро мусобақада улардан қолишмаяпти. Коллектив биринчи квартал планини 140 процентга бажарди.

— Ишимизда сифат—бош мезон, — дейди корхона экономистининг ёрдамчиси Н. Қодирова, — у эса биринчи навбатда бичиқчининг маҳоратига боғлиқ. Л. Пак, М. Зокирова ва А. Бобоқулова ўртоқлар бу соҳада бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар. Э. Чилингиз, М. Мўминов ва Н. Юсуповаларнинг тикаётган кийимлари ҳам хушбичим, ҳаммага манзур.

И. СОЛИЕВ.

СУВ ВА ҲОСИЛ

ЎН БИРИНЧИ беш йиллиқнинг зардоб учинчи йилида районимиз меҳнаткашлари давлатга 50 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олишган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам, чорвачилик ҳам жадал суръатларда ривожланади. Бу марраларни эгаллаш ҳар бир кишидан фидокорлик кўрсатиб, юксак интизом билан меҳнат қилишни талаб этади.

Тажрибакорлар сув бор жойда ҳаёт бор, дейишади. Демак, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш учун, аввало сув керак. Бизнинг бошқармамиз мелиораторлари ва ирригаторлари зиммасига масъулиятли вазифа — экин майдонларини сув билан таъминлаш юклатилган. Биз ўтган йили бу вазифани яхши бажардик. Шунинг учун айни саратон кунларида ҳам сув танқислиги сезилмади. Ирригация ва мелиорация ишларини ўз вақтида амалга оширганимиз ва вегетация даврига пухта тайёргарлик кўрганлигимиз туфайли район бўйича секундига 34 кубметр ҳажмда сув экинларни обҳаётга кондириш учун берилди. Бундан ташқари 13 километр масофадаги ирригация каналлари бетонланди. 70 та насос агрегатларидан самарали фойдаландик. «Коммунизм» колхозидаги электр станцияларининг биринчи ва иккинчи навбати ишга туширилди. Куйбишев номли колхозда секундига 150 литр сув берадиган янги станция, А. Икромов номли колхозда секундига 300 литр сув чиқара оладиган иккита насос станциялари ишлатилди. Ангрен дарёсидаги булоқлар тозаланиб, секундига 700 литр сув олиниб экинзорларга юборилди. Сув танқислиги айни кучайган пайтда 6 та запас насос станцияларини ҳам ишга туширдик.

Албатта, сувни далаларга юбориш билан иш битмайди. Унинг ҳар қатрасидан самарали фойдаланиш, нобуд бўлмаслигига эришишимиз керак эди. Бунинг учун назоратчилар постлари ташкил этдик. Улар доимо сувчиларнинг, хўжаликлар миробларни ишини кузатиб бордилар. Натижада барча қийинчиликлар ортда қолиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўлжалдаги ҳосилни олдик.

Маълумотларга қараганда 1983 йилда ҳам сув камчил бўлиши мумкин. Бир қатор асосий суғориш манбаларидан нормадагига қараганда кам сув келади. Ғўзаларнинг ҳосил тўплайдиган асосий даври бўлган июль ва август ойларида сув миқдори, айниқса, камайиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси сув танқислигига қарши кураш, пахта ҳамда бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш учун ҳозирдаёқ барча чораларни кўришни талаб этади.

Коллективимиз кутилиши мумкин бўлган шароитларни тўла ҳисобга олган ҳолда чоралар кўраётир. Бунинг учун тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва жорий этишга киришилди.

Айниқса вегетация даврида сувнинг етарли миқдорда бўлишига эришиш лозим. График бўйича бу йил 70 та насос станциясини тайёрлаш кўзда тутилган эди. Аммо биз ички имкониятларни ҳисоблаб яна 20 та насос станциясини тайёрлаяпмиз.

ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ

Оқар сувлардан ташқари ер ости сувларини тортиб чиқариш ва дренажлар сувидан фойдаланишнинг ҳам чора-тадбирлари кўриб қўйилаётир. Лекин бу қўшимча манбадир. Чунки бу сувлардан фойдаланиш анча қимматга тушади. Лекин бошқармамиз мутахассислари ишлаб чиққан лойиҳа шуни кўрсатмоқдаки, сарф қилинган қўшимча ҳаражатлар — суғориш тармоғи, насос ва тракторлар учун меҳнат ҳақи, бошқа ҳаражатлар ҳосилдорликнинг ортиши ҳисобига копланиб кетиши мумкин. Районимиз бўйича бу йил 17 та қудуқ сувидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирга қадар ўндан ортиқ қудуқ вегетация даврига тайёрлаб қўйилди.

Суғориш сувларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳар қандай шароитда ҳам, айниқса сув камчил бўлган шароитда каналлар ва суғориш тармоқларида сувнинг исроф бўлишига қарши ўз вақтида кураш олиб боришни талаб этади. Суғориш тармоқларида олиб борилган анализлар шуни кўрсатдики, сувнинг асосий исроф бўлиши хўжаликлар ичидаги тармоқларда юз берар экан. Ўт босган ва лойқа тўпланиб қолган суғориш тармоқларининг сув ўтказиш қуввати кескин пасаяди, натижада сувнинг исроф бўлиши 1,5—2 баравар ортади. Ана шундай камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида район хўжаликларидаги 10 километр масофадаги ариқларга бетон ётқизилди. 17 километр масофага лоток ўрнатиш тугалланмоқда. Масалан, Охунбобоев номли колхоздаги Қумариқ, Терешкова номли колхоздаги Ровотак, «Ленин йўли» колхозидаги «А-4 Прим», «Северный маяк» колхозидан ўтувчи Р-51, А. Икромов номли колхозга қарашли Оқтепа канали ва ариқларини бетонлаш ҳам тугалланмоқда. Март ойининг охирига қадар барча лоток линиялари тўла ишга туширилади.

Тажрибалар булоқлар сувидан фойдаланиш сув танқислигининг олдини олишда катта резерв эканлигини кўрсатди. Буни ҳисобга олиб Ангрен дарёси қирғоқларидаги мавжуд булоқларни қайта тозалаб, 100 минг куб метр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди. Бу йил булоқлардан 1000 кубметр сув олинади ва улар билан 1000 гектар ерни суғориш имкониятига эга бўламиз.

Бу вазифаларни тўла бажариш ҳисобига экинларни секундига 11 кубметр сув билан суғориш мумкин. Экинзорларга секундига 34 кубметр сув сарфланадиган бўлса, шунинг учдан бир қисмига қўшимча резервларни ишга солиш ҳисобига эришамиз. А. Икромов номли колхозда сув танқислиги, айниқса кучли бўлади. Шунинг учун бу ерда секундига 500 литр сув чиқариб берадиган ҳамда «Ленин йўли» колхозига секундига бир кубметр ҳажмида сув чиқариб турувчи янги насос станциялари ишга туширилди.

Ҳозиргача сув тармоқларини мавсумга тайёрлаш плани ортиғи билан бажарилди. 1135 минг кубметр ўрнига 1197 минг кубметр ҳажмида иш бажарилди, 20 та экскаватор ва 60 та бульдозер ирригация ва мелиорация ишларини бажаришда юксак унум билан ишлатилмоқда.

Мавжуд оқава сувларидан экиларни об-ҳаётга қондиришда, уларнинг исроф бўлишига йўл қўймасликда хўжалик сувчилари ва миробларининг роли ниҳоятда каттадир. Айни сув камайган дамларда сувчилар сонини ошириш, ғўзаларни кўпроқ тунда суғоришга эътибор бериш ҳам бу борадаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бу йил район бўйича далаларда 2,5 минг сувчи меҳнат қилади. Уларнинг тажрибасини, малакасини ошириш учун махсус ўқувлар ташкил этиш керак.

Сувнинг ҳар қатрасини ҳисобга олиш, ундан оқилона фойдаланиш биз учун ҳам, пахтакорлар учун ҳам катта масъулиятли вазифани юклайди. Хўжалик рахбарлари, мутахассислар, сувчилар ўз вазифаларини яхши бажарсалар, масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда онгли интизом билан меҳнат қилсалар сув ресурсларидан самарали фойдаланиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан янада юқори ҳосил етиштирамиз. Районимизда бу ишни талаб даражасида ташкил этиш учун барча имкониятлар ишга солинади.

А. АРБУЗОВ,
Ўрта Чирчиқ район сув тармоқлари бошқармаси бошлиғи.

● «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-цехининг тажрибали ишчиси Валентина Таранторова биринчи квартал якунларига кўра мусобақа ғолиби деб топилди. Ленин ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери бўлмиш илғор станокчи айни пайтда графикдан ўзиб меҳнат қилмоқда.

Суратда: В. Таранторова.

● Охунбобоев номли Тошкент бош кийимлари фабрикаси комсомол ёшлари йиллик планни Октябрь байрами арафасигача бажариш ҳаракатини бошлаб бердилар. 1-цех тикувчиси Альмира Есенбоева бу ҳаракатга биринчилар қатори қўшилиб, ҳозирда смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб бажармоқда.

В. ПОРТНОВ фотолари.

МУСОБАҚАДОШЛАР УЧРАШДИЛАР

БЕКОБОД районидаги «Далварзин» совхозининг ўртоқ И. Ортиқов бошлиқ 3-бўлими деҳқонлари ўтган йили ҳар гектар ердан 38,1 центнердан ҳосил олишган эди. Улар бу йил 595 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Бундан ташқари 35 гектар майдонда дон учун маккажўхори, 10 гектар картошка, 15 гектар арпа, 12 гектар сабзавот ва 115 гектар майдонда беда ўстирилади.

Бўлимда эртаги экинлар экиб бўлинди. У. Султонов, А. Мавлонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар чигитни ер намига бир текис ундириб олиш тадбирларини кўрмоқдалар.

Бўлим пахтакорлари қўшни А. Мавлонов номли совхознинг О. Исмоилов бошлиқ 4-бўлим деҳқонлари билан мусобақалашмоқда. Яқинда улар социалистик мажбуриятларини муҳокама қилдилар, мусобақа шартлари келишиб олинди.

Ф. ЗИЁДУЛЛАЕВ.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

ТЎСМОЛ

(ПЬЕСАДАН ПАРЧА)

4

ЧЎЛПОН: Бу дейман, Қўлдош Ёндошевич, қариган сайин маҳмадонами-ей, файласуфми-ей бўлиб кетяпсиз. Аҳлингиз суюляпти, шекилли, ўзингизни бир дўхтирга кўрсатинг, яхшиси поликлиникамга боринг, рўйхатга ёздириб қўяман. Ҳар ҳолда у ерда яхши қарашади, навбат кутишлар ҳам йўқ.

ҚЎЛДОШ: (ўсмоқчилаб). Ие, шунақами? Мен билмас эканман-а!

ЧЎЛПОН: Борган бўлсангиз биласиз-да. Бир боринг, ўрганиб қоласиз, кейин район поликлиникаларини эсдан чиқариб юборишингиз турган гап.

(Ҳулкар хомуш киради).

ЧЎЛПОН: Салом. (Қўл олишишиб сўрашади). Яхшимисиз?!

ҚЎЛДОШ: (елка тутиб сўрашади). Омонмисиз, эсонмисиз? Яхши юрибсизми?..

ЧЎЛПОН: Бас қилинг!.. Ҳулкархон, аввало айтиб қўяй: мен сизни қизим деганман. Ўғлимдан воз кечсам-кечаманки, лекин сизни ҳеч кимга хўрлатиб қўймайман. Тушундингизми?.. Хўп, мана энди сўз сизга: хўш, нима бўлди, менга бор гапни айтинг.

ҲУЛКАР: Хўп. Ўғлингиз бугун ишдан сал кечикиброқ келдилар.

ҚЎЛДОШ: Қўл-қуруқми?

ҲУЛКАР: Хм.

ҚЎЛДОШ: Ҳамон уйим-жойим дейишни билмади-билмади-да. Лоақал Чўлпон Пўлатовнадан ибрат олса бўларди-ку.

ЧЎЛПОН: Ҳалақит бермай туринг! (Ҳулкарга). Хўш, кейин?

ҲУЛКАР: Сенга бир гап айтаман, дедилар-у, лекин айтмадилар.

ЧЎЛПОН: Сиз-чи?

ҚЎЛДОШ: Ишдан кечикиб келган эрига гапради-да хотин киши, гапирмай тура оларми?! Бу — табиий ҳол.

ЧЎЛПОН: Авзойи қалай эди, авзойи?

ҲУЛКАР: Ғалатироқмиди, ҳардамхаёлроқмиди?..

ЧЎЛПОН: Тўғри, менга ҳам худди шундай туюлди.

ҲУЛКАР: Келдиларми?

ЧЎЛПОН: Келдиқ-кетди.

ҲУЛКАР: Бир нима дедиларми?

ЧЎЛПОН: Демади.

ҚЎЛДОШ: Дейишига йўл қўйилмади, шекилли.

ЧЎЛПОН: Мен гаплашаётганда сиз аралашманг, деб минг марта айтганман! Яна гапга суқиласиз-а! Лозим кўрсам ўзим сизга сўз бераман.

ҚЎЛДОШ: Узр! Чиндан ҳам рост гапни айтиш қийин.

ЧЎЛПОН: Қизим, ўғлим сизга нима дейиши мумкин эди?

ҲУЛКАР: Билмадим... Сизга-чи?

ЧЎЛПОН: (довдираб). Менга-ми?.. Мен онасиман, менга ҳар қандай гапни айтавермайди. Сиз эса хотинисиз...

ҲУЛКАР: Ўғлингизнинг менга кўнгиллари йўқ, биламан. Умуман бўлмаган ҳам. Шундан гап очмоқчи бўлдилар, шекилли. Шу ҳақда сўз очилишидан қўрқаман. Авзойиларига қараб турибсиз, ҳаёлим шунга кетдию, у нишига сўз бермадим.

ҚЎЛДОШ: (киноя билан). Тўғри қилибсиз, қизим, тўғри қилибсиз. Ният тилга чиққач, гишт қолиплан кўчади, орадан парда кўтарилади. Шу сабабли Чўлпон Пўлатовна ҳам унга сўз бермай қўя қолдилар.

ЧЎЛПОН: Гапга суқилманг, дедим-ку сизга! Яна аралашасиз-а...

ҚЎЛДОШ: Оғзимга сўк солиб ўтирайми?.. Ўз уйимдаман-ку, ахир!..

ЧЎЛПОН: Мен боримда, сиз йўқ ҳисобиласиз. Майли, сиз билан кейин гаплашаман. Қизим, балки яглишаётгандирсиз? Эҳтимол, ўғлимнинг ишхонасида бирор кори-ҳол юз бергандир?

ҚЎЛДОШ: Лекин нимаики юз бермасин, Чўлпон Пўлатовна тўғрилайди. Ахир, Эргашнинг катта хўжайини — Чўлпон Пўлатовнанинг улфати-ку!

ЧЎЛПОН: Майда гап бўлманг, деворнинг ҳам қулоғи бор. (Келинига). Хўш, гумонингиз нимада?

ҲУЛКАР: Ўғлингиз кўнгил қўйган ўша қиз ҳалигача турмушга чиқмай келади. Ота-онаси мажбурлаб узатмоқчи бўлишган экан, уйидан бош олиб чиқиб кетибди. Кооператив квартира ҳам олибди. Бугун эшитдим.

ЧЎЛПОН: Баракалла, қизим! Яхши эсимга солдингиз. Ўғлим ундан бутунлай кўнгил узиб кетиши учун ўша қизни эрга бериш керак. Буни ўзим ташкил қиламан, ёр-биродарларни ишга соламан. Кўнглингизни тўқ қилинг, тез орада тўй.

(Боши газетанинг 7 апрель сонида).

5

ҚЎЛДОШ: (киноя билан) Сиз топган қуёв номидан ўзим совчи бўлиб бораман. Бунга нима дейсиз?

ЧЎЛПОН: Ўйлаб кўраман.

ҲУЛКАР: Йўқ, йўқ, керакмас! У бояқишни тинч қўйинглар. Менга тушган савдоларни унинг ҳам бошига солиб нима қиласизлар?

ЧЎЛПОН: Бахтли қиламиз!

ҲУЛКАР: Мен бахтлиманми?

ЧЎЛПОН: Бўлмасам-чи! Сиз оилалисиз, демак бахтлисиз. Қари қиз бўлиб, сўққабош қолиб кетишдан ҳам бахтсизлик йўқ, қизим. (Эрига ҳам гапнинг деган ишора қилади).

ҚЎЛДОШ: Суюнчи беринг, Ҳулкархон, бу safар курортга Чўлпон Пўлатовна билан бирга борадиган бўлдик. Чўлпон Пўлатовна менга сўз бердилар. Умримизда биринчи маротаба. Мана, ўзларининг юз-кўзлари, ваъда қилдилар.

ЧЎЛПОН: Ҳамиша қовун туширганингиз-туширган. Шунинг учун ҳам сизга сўз бериб бўлмайди-да.

ҲУЛКАР: Ойи, дада, сизларга юрагимни очай, энди жим туролмайман. Ўзимнинг ота-онам мени тинглаб ўтиришмайди ҳам. Чиққан қиз чиқиб ташқари, дейишгани-дейишган. Мана, ўн йилдан бери севмаганга суйкалиб, ўзимни ерга уриб, ўғлингизни ҳам, ўзимни ҳам қийнаб келяпман. Энди...

ЧЎЛПОН: Йўқ, йўқ, йўқ! У гапни хаёлингизга ҳам келтира кўрманг. Мен сизни қизим деганман-а. Сизни хўрлатиб қўймайман. Қолаверса, Эргаш сизни севади.

ҲУЛКАР: Қани энди...

ЧЎЛПОН: Ҳа, у сизни севади. Мен биламанми, сиз биласизми?..

ҚЎЛДОШ: (киноя билан). Сиз биласиз, Чўлпон Пўлатовна, сиз биласиз. Ахир, Эргаш ўғлингиз-ку.

ЧЎЛПОН: Албатта. ЗАГСда айтган гапи ҳам эсимда. Ўшанда «хоҳлайсизми», дейишганида «хоҳлайман», деганини ўз қулоғим билан эшитганман. Энди айниб кўрсин-чи?! Эркак кишининг гапи битта бўлади, деб боплаб жазосини бераман. Шаҳардан қишлоққа сургун қилиб юборсам-юбораману, аммо сиздан ажралишига икки дунёда ҳам йўл қўймайман. Ўғлимни, мана қараб туринг, қизим, ўзим ройишга келтираман.

ҚЎЛДОШ: Ишонса бўлади. Мана исботи: мени ҳам ройишга келтиргансиз.

ЧЎЛПОН: Энди бу ишга жиддий киришаман.

ҲУЛКАР: Мени кечирасиз, ойи, бу гапни мен сиздан кўп эшитганман.

ЧЎЛПОН: Бу safар жиддий айтяпман. Ва охиргиси. (Гапни чалғитиб). Айтгандай, «Кейинги пайтларда сал мазам йўқроқ бўлиб юрибди. Дўхтирлар рентгенга тушинг, дейишяпти» дегандек бўлувди.

ҲУЛКАР: Бугун рентгенга тушишлари керак эди.

ЧЎЛПОН: Ана, айтмадимми? «Сизга бир гап айтаман», деганда дўхтирнинг гапини айтмоқчи бўлган.

ҲУЛКАР: (ваҳм босиб) Жиддийроқ касалга чалинган бўлсалар-а?!

ҚЎЛДОШ: Жуда ҳам ончаликмасдир? «Невропотолог кўрмоқчи» деганди менга.

ЧЎЛПОН: Шундайми!.. Мана бу жиддий гап. Рентгенга тушиш ҳеч гапмас. Невропотологга ишинг тушгулик қилмасин, илоё. Тиззаларингнинг соққасига таёқча билан уриб-уриб кўради.

ҚЎЛДОШ: (киноя билан). Ростданми?! Э, аттанг...

ЧЎЛПОН: Олдиндан ваҳима қилманг. Ҳали аниқлаймиз, тагига етамиз. Чора кўрамиз. Керак бўлса, тадбир қўллаймиз. Лекин аввало Отажон Тошевич билан маслаҳатлашамиз. Лозим топилса Келган Ўтаровичнинг олдиларидан ўтамиз. Чунки бусиз мумкинмас. (Ҳулкарга). Айтгандай, Отажон Тошевич курортдан қайтдиларми?

ҲУЛКАР: Бугун қайтибдилар.

ЧЎЛПОН: Қўлдош Ёндошевич, тезда отланинг; Отажон Тошевични йўқлаб келамиз!

ҲУЛКАР: Ўғлингиз...

ЧЎЛПОН: Ҳа, дарвоқе, Эргаш... Уни ҳам топамиз. Лекин аввало Отажон Тошевични йўқлаймиз, шуниси зарур, мен у кишини ўз оғам деганман-а.

ҲУЛКАР: Мен бормайман.

ЧЎЛПОН: Бўлмаса, шу ерда ўтира турасизми?

ҲУЛКАР: Ўғлингиз топилмагунча, бир жойда ёлғиз ўтира олармидим?.. Майли, сизлар билан бораману, лекин ичкарига кирмайман.

ЧЎЛПОН: Ихтиёрингиз... Соат саккиздан ошибди, ҳозир такси топиш қийин. Гараждан навбатчи машинани чақира қоламан. (Телефон томонга юради).

ҚЎЛДОШ: Бу — сизнинг ихтиёрингиз.

ПАРДА

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

ИЗЛАНСА ИМКОНИЯТ ТОПИЛАДИ

БУНДАН бир неча йил аввал қўшни корхона — автобус-таксомотор паркининг ёрдамчи хўжалиги билан атрофлича таниши чиқдик. Сўнг, уларнинг тажрибаси асосида ўзимизда ҳам ёрдамчи хўжалик яратиш имкониятларини изладик. Ишни теплица хўжалиги барпо этишдан бошладик. Ҳозирги кунга келиб ўша вақтда ўтказилган лимонларимиз тўлиқ ҳосилга кирди. Бу ерда помидор ва бодринг етиштириш ҳам йўлга қўйилди.

Ўтган йили эса ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришнинг қўшимча резервларини қидириб топдик. Ходимларимиз «Партия XXII съезди»» колхози чегарасидаги Ангрен дарёси ёнида тошлоқ 15 гектарга яқин ер борлигини аниқлашди. Бу жойларни экин оборотига киритиш учун эса 10 гектардан зиёд жойдаги шағал устига 45 сантиметр қалинликда тупроқ ташланди. Сизот сувларини қочириш учун зовурлар қазилди.

Мазкур жойда ёрдамчи хўжаликнинг комплексини яратиш ишлари ана шу тарзда бошланди.

Ангрен дарёсининг айланиб оқадиган жойи қирғоғида қуёш ваннасини ҳам ташкил этамиз. Бу ерда ишчихизматчиларимизнинг саломатликларини мустаҳкамловчи икки кунлик профилакторийни йўлга туширишмўлжалланмоқда. Бир-бири билан трубалар ёрдамида туташтирилган биринчи ҳовузнинг ҳажми 250 квадрат метр бўлиб, унинг устида қурувчилар чойхонаси ташкил этилади.

Ҳозир 5 гектар ерда боғ яратиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бу жойга 500 туп узум, 200 туп ўрик, 250 туп шафтоли, 220 туп олхўри ва 3000 туп олма ва кўплаб манзарали дарахт кўчатлари экилади. Қатор ораларига чорва учун беда сепамиз. Бундан ташқари 3 гектар ерга дон учун маккажўхори ҳам экамиз.

Ёрдамчи хўжалигимизда шу кунларда боқилаётган қорамоллар сони 20 бош. Йил охиригача уларни 50 бошга етказамиз. Бу билан ҳар бир ишчимизни йил давомида 100 килограмм сут ва 50 килограммдан гўшт билан таъминлаш имкони туғилади.

Ёрдамчи хўжаликни комплекс ривожлантириш ишларида мутасадди С. Юсупов алоҳида жонбозлик кўрсатаяпти. Боғлар парваришида эса ишчиларимиздан И. Иномов, А. Тугалов, Ф. Аҳмедов, М. Ҳолбоев, Ҳ. Алиқулов ва Н. Умаровлар яхши меҳнат қилишяпти.

Кўпгина ўртоқлар биздан ёрдамчи хўжалик билан шуғулланиш асосий ишларга халақит бермайдими, деб сўрашади. Бунга ёрдамчи хўжалик кони фойда эканлигини айтиб, жавоб қиламиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Кимда иштиёқ бўлса, у ҳар қандай ишнинг ҳам уддасидан чиқаркан. Биз бунга тажрибада ишонч ҳосил қилдик.

Б. МАТАНОВ.
Оққўрғон райониданги 20-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи.

ИШЧИ БАХТИ

Турғунали слесарлар хонасига кирди-да, аста-секин иш қуролларини ўздан кечира бошлади. Ҳали вақт эрта. Яна ярим соатлардан кейин бошқа ишчилар ҳам етиб келишади. Лекин, смена давомида амалга оширилиши зарур бўлган ремонт ишлари талайгина. Ҳозирги пайтда Паркент «Райсельхозтехника»си устахонаси коллективи кўкламги дала ишлари айни долзарб паллага кираётган бир пайтда барча техникани сифатли ремонтдан чиқариб, хўжаликларга жўнатиши зарур. Шунинг учун Турғунали Алимбоев ҳар куни бошқаларга намуна кўрсатиб ишлашга ҳаракат қилади. Бунга эришади ҳам.

Кўпчилик Турғуналини ёшлигига қарамай ўзининг устози, яқин маслаҳатгўйи деб билади. Бу бежиз эмас, албатта. Тажрибали слесарь-моторист меҳнат биографиясини шу ерда бошлади. Ўз меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги туфайли ҳурмат-эътибор қозонди.

1977 йилда устахона слесари илк бор мукофотга тавсия этилганини сира унутмайди. Йил якунларига кўра у социалистик мусобақа ғолиби нишондори бўлди. Ўша йили халқ депутатлари Янгибозор поселка Советига депутат ҳам қилиб сайланди. Ана шу пайтга келиб у нафақат уддабурон, балки кўпчиликни ўзига эргаштира оладиган фидойи ишчи эканлигини кўрсатди.

Бу юксак ишонч уни янада самарали меҳнат қилишга ундади. 1979 йилга келиб Т. Алимбоев «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Яна икки йил ўтгач, корхона коммунистлари унга юксак ишонч билдириб, шонли Коммунистик партия safига қабул қилдилар.

Бугунги кунда Т. Алимбоев устахонанинг энг илғор ишчиларидан саналади. Мана бир неча йилдирки, унинг расми корхона «Ҳурмат тахтаси»дан тушмайди. Тажрибали слесарь-моторист эса беш йилликни тўрт йилда бажариш мақсадида баракали меҳнат қилиб келяпти.

М. ҲАСАНОВА.

Халқаро ҳаёт

СССРНИНГ БУЮРТМАСИ БИЛАН

БЕРЛИН, 6 апрель. ТАСС мухбири А. Смелов хабар беради: Совет Иттифоқининг буюртмасига биноан Висмардаги «Матиастезенверфт» кемасозлари қурган «Шота Руставели» пассажир кемаси шу корхонадан иккинчи марта... сувга тушди. Бундан ўн беш йил аввал шу ерда қурилган кема тубдан янгиланди ва реконструкция қилинди.

Кема ремонтхонадан анча «ёшариб» чиқди: унга янги, анча такомиллашган машиналар ўрнатилди. Кеманинг асбоб-ускуналари, навигация приборлари янгиланди. 750 пассажирга мўлжалланган кема атроф-муҳитни булғанишидан яхши ҳимоя қилиш мақсадида чиқитларни қайта ишлайдиган замонавий системалар, сунъий иқлим установкаларига ҳам эга бўлди.

Ремонтчилар йўловчилар тўғрисида ҳам қайғурдилар. Дам оладиганларнинг хоналари ва каютаси шинамроқ ва қулайроқ бўлиб қолди, ҳовуз, спорт зали ва кино зал, ресторан ва кафе реконструкция қилинди.

«Шота Руставели» — Висмар кемасозлик корхонасида СССР учун қурилган ва реконструкция қилинган тўртинчи пассажир кемасидир.

Куба пойтахти Гавана жаҳонининг кўпгина мамлакатлари, шу жумладан СССР билан ҳаво йўллари орқали боғланган. Бундан 20 йил илгари биринчи совет самолёти Гавана аэропортига қўнган эди. Ҳозирги пайтда ҳар ҳафтада совет самолётлари Куба пойтахтига 11 рейс қилади. Суратда: Аэрофлот экипажи Гаванада.

С. МАЙСТЕРМАН фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПРАГА. Чехословакияда чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга, қорамоллар туёғини кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Буни эса қишлоқ хўжалиги ана шу тармоғи структурасида рўй берган ўзгаришлар, ширали озуқа ва ем-хашак тайёрлашни кўпайтириш тадбирлари ҳам тақозо этмоқда.

ЧССРда кўп йиллик ўтлар экиш шу йилнинг баҳоридагина икки процентдан ҳам кўпаяди. Республикадаги ҳамма хўжаликларда ўт экишга киришилди, бу хўжаликлар беда, йўнғичқанинг сифатли уруғини, маккажўхорининг дурагай навларини ўз вақтида олишга кенг қулоч ёзмоқда. Иш ташлаган 500 нафар металлургга корхона ишчи ва хизматчиларидан яна 2.500 киши қўшилди. «Бритиш стил» корхонасининг меҳнаткашлари ишлаб чиқаришни кескин равишда қисқартириш ва пўлат қуювчиларни кўплаб ишдан бўшатиш тўғрисида маъмурият эълон қилган режаларга қарши норозилик билдирмоқдалар.

●

ТРИПОЛИ. Умумараб халқ конгрессининг доимий секретариати Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотига ва Халқаро Қизил Крест жамиятига мурожаат қилиб, Иордан дарёсининг босиб олинган ғарбий соҳилида юзлаб фаластинлик болаларнинг исроилликлар томонидан заҳарланишини текшириш учун халқаро комиссия тузишга чақирди.

(ТАСС, 6 апрель).

ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

● ДЕҲЛИ.

Ҳиндистондаги Манжери шаҳридан (Маҳараштра штати) сал нариги тоғлиқ йўлда катта автомобиль фалокати рўй берганлиги натижасида 14 киши нобуд бўлди ва 86 киши жарохатланди. Бомбайга бораётган халқаро автобус кескин бурулишда бошқарилмай қолиб, 30 метрлик баландликдан дарининг тубига қулаб тушди.

* * *

Ҳиндистонга қарашли Андаман ороллари ининг маъмурий маркази — Порт—Блэр яқинида маҳаллий аҳоли ер чопаётиб, Япониянинг портламаган қирқ килограммли авиабомбасини топиб олди. Саперлар иккинчи жаҳон урушидан бери ерда ётган бу хавфли бомбани зарарсизлантирдилар.

● ТОКИО.

Япония пойтахтидаги рус тили институти «Ниссо гакуин»да рус тили мутахассисларининг навбатдаги битириш маросими бўлиб ўтди. «Ниссо гакуин» Японияда яхши маълум. Япониядаги шу биринчи рус тили мактаби бундан 34 йил аввал «Япония—СССР» жамияти ҳузурида ташкил этилганди. Шундан бери «Ниссо гакуин»дан ўнлаб юксак малакали рус тили таржимонлари чиқди. Улар ўз фаолияти билан мамлакатларимиз ўртасида хилма-хил алоқаларни ривожлантиришга ёрдам бермоқдалар.

Ҳозир Саппоро, Киото, Осака, Коба шаҳарларида, Японияннинг бошқа шаҳарларида ҳам шундай рус тили мактаблари ишлаб турибди. Мамлакатнинг турли тиллар ўрганиладиган ҳамма етакчи олий мактабларида рус тили ўрганилмоқда. Рус тили институти «Ниссо гакуин»нинг директори Масанобу Того ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида бундай деди: «Японияда рус тили ва адабиётига қизиқиш узоқ тарихий ўтмишга бориб тақалади. Лев Толстой, Достоевский, Чехов, рус адабиётининг бошқа адиблари ижоди Японияда яхши маълум. Рус тилини ўрганишнинг ўзиёқ Японияда Совет Иттифоқи билан дўстлик, алоқасини мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди».

● НАЙРОБИ.

Кенияда янги «Кения таймс» газетаси чиқа бошлади. Унинг 60 минг нусхадан иборат тиражи Африкадаги мамлакат учун оз эмас. Бу газета Кения ҳукмрон африкаликлар милий иттифоқ (КАНУ) партиясининг органидир.

(ТАСС, 6 апрель).

ВАҚТ — АСОСИЙ РЕЗЕРВ

● ТОШКЕНТДАГИ «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида иш вақтидан фойдаланиш устидан доимий контролликни ташкил этган коммунистларнинг ташаббуси бу ердаги нотўқима материаллар участкасида иш унумини оширишга ёрдам берди.

Участка меҳнаткашлари Тошкентнинг икки минг йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга даъват этган республика пойтахти илғор ишчиларининг ташаббусига қўшилиб, коммунистларнинг шонли санагача пландан ташқари ишлаб чиқарилган газламаларни юз минг метргача етказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб қувватладилар. (ЎзТАГ).

● Тошкентдаги миллий музика асбоблари экспериментал фабрикаси коллективи республикамиз пойтахтининг 2000 йиллиги шарафига ҳар хил совға буюмлари тайёрламоқда.

Суратларда: рассом Мўътабар Ғаффорова ёғочдан ясалган совға буюмларига гул солмоқда (чапда), Тошкент юбилейига бағишлаб тайёрланган янги совға буюмларининг намуналари (ўнгда).

В. Сироткин фотолари.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

НАФОСАТНИНГ ҚАЙТА ТУҒИЛИШИ

— Республикамизда унутиб борилаётган газлама ва чармга нақш ишлаш, кундал, кандакорлик каби халқ амалий санъати турларини тиклаш борасида анчагина ишлар қилинди, — дея ҳикоя қилади республика халқ амалий санъати усталари бирлашмаси директори Шохалил Шоёқубов.— Бу санъат турлари бирмунча кенг ривожланган Тошкент, Самарқанд ва Марғилон шаҳарларида бадиий мактаблар очиб, тажрибали ҳунармандларни жалб қилдик.

Бирлашма ишлай бошлагач, биринчи навбатда ёғоч ўймакорлиги ривож топа бошлади. Талантли мусаввир Ортиқ Файзуллаев бошчилик қилаётган бу бригадада асосан ёшлар меҳнат қилишади. Улар ишлаган санъат асарлари мухлисларга ниҳоятда манзур бўлмоқда. Тошкентдаги «Берёзка» магазини, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати музейи, Пермь шаҳри маданият саройининг эшиклари ва уларга моҳирона ишланган нақшлар кишилар қалбида гўзаллик ва нафосат туйғуларини жўш урдирмоқда. Усталарнинг сўнгги ижодий намуналаридан иборат гарнитурлар комплекти Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида муваффақиятли намойиш этилгач, коллективга Иттифоқимиз ва чет эллардан кўплаб буюртмалар кела бошлади.

Авваллари тарқоқ ҳолда, ўз ҳолича ишлаган усталар бирлашма тузилгач, ўз касбларн масъулиятини чин қалбдан ҳис этдилар.

Тошкент мактабининг мисга гул тушириш бригадаси бошлиғи Мақсуд Мадалиев фидокор усталардандир. Кандакорлик сирларини у илк бор отасидан, таниқли уста Маҳмуд Мадалиевдан ўрганди. Мақсуд ота касбини давом эттирар экан, мисга гул зарб этишдек қийин, майда ишда асарларнинг жозибали чиқишини, уларда замонавийлик руҳи уфуриб туришини таъминлашга интилди. У гул битган ранг-баранг кўринишдаги буюмлар турли шаҳарларда бўлган кўргазмаларда, Рим, Брюссель, Хельсинки, Копенгаген, Париж ярмаркаларида мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Кўча-куйда хотин-қизларимизнинг кийинишига эътибор берсангиз, уларнинг эгнидаги хом сурпга шарқона усулда нақш берилган чиройли либослар диққатингизни тортади. Бу маҳсулотлар бирлашманинг уста Абдурашид Раҳимов бошлиқ читгарлик бригадаси коллективининг сўнгги йиллардаги муваффақиятларидан биридир.

Ота-боболаримиз томонидан сайқалланган кичик ҳажмли ранг тасвирлар классик шоирларимизнинг шоҳ асарларини янада такомиллаштиришга хизмат қилиб келган. Буюк рассомларнинг эътиборини ўзига жалб этган, уларнинг ижодига баракали таъсир кўрсатган, йўқолиб бораётган миниатюра санъатини давом эттириш, ривожлантириш масаласи Шарқшунослик институти олимлари ва Ўзбекистон Рассомлар союзи томонидан атрофлича ўрганилиб, ўтган йили бирлашмада миниатюра устахонаси ташкил қилинди.

Айни пайтда барча имкониятларга эга бўлган бу устахонада таниқли рассом, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти лауреати Чингиз Аҳмаров бошчилигида Н. Холматов, Ш. Муҳаммаджонов, Ғ. Камолов, А. Йўлдошев ва О. Восилхонов каби мўйқалам соҳиблари янада етук асарлар яратиш устида изланмоқдалар.

Бирлашма келажаги порлоқ. Усталар халқ амалий санъатининг унитилаётган энг яхши анъаналарини ўрганиш ва тиклаш борасида катта изланишлар олиб боришмоқда. Уларнинг айни кунларда тайёрлаётган сержило ва нақшинкор маҳсулотларида 2000 йиллик Тошкентнинг фусункор жамоли акс этаётир.

А. ТИЛОВОВ.

КИНОҲАВАСКОРЛАР ИЖОДИДАН

«СПЛАВ»НИНГ ПАРВОЗИ

Ҳозир республикамизда 180 га яқин ҳаваскорлик киностудиялари ишлаб турибди. Социалистик Чирчиқ шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Сплав» киноҳаваскорлар студияси ҳам кўпгина қизиқарли лентаатларни суратга олишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати маданият саройида ташкил этилган бу ижодий коллектив яратган лентаалардан бир нечтаси киноҳаваскорларнинг республика кўрик-конкурсларида муваффақиятли намойиш қилинди. СССРнинг шонли 60 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ конкурсига эса студия «Очиқ қолган эшик» деган ҳужжатли фильмини тақдим этди. Бу катта ижодий кўрикда ана шу мазмунли лента биринчи ўринни олди.

Республикамиз киноҳаваскорларининг энг яхши асари сифатида эътироф қилинган «Экран» асари ўзига кенг йўл топди. Фестиваль жюриси уни Марказий телевидение орқали намойиш этишга тақдим қилди.

Қувончлиси яна шундаки, «Очиқ қолган эшик» ҳужжатли лентани ҳаваскорлик фильмлари Халқаро конкурсига ҳам юборишга қарор қилинди. Бу «Уника-83» конкурси студия учун яна бир жиддий ижодий имтиҳон бўлади.

«БИЗ — ТОШКЕНТДАНМИЗ»

Қадимий ва навқирон Тошкентнинг 2000 йиллиги тўйига республикамиз кино санъати ходимлари ҳам муносиб ижодий армуғонлар ҳозирлашмоқда. Бундай совғалар орасида дўстлик ва қардошлик шаҳрини мадҳ этувчи бадиий лентаалар ҳам бор.

«Биз Тошкентданмиз» деб номланган фильм устида ҳам қизғин ижодий иш олиб боришмоқда. Истеъдодли кинорежиссёр Дамир Салимов томонидан яратилаётган бу экран асарида Тошкентда юз берган зилзила оқибатларини тугатиш ҳамда янги гўзал шаҳарни бунёд этиш билан боғлиқ воқеалар қизиқарли ҳикоя қилинади.

Янги фильм Тошкентнинг бугунги жамолини кўз-кўз қилувчи ёрқин кинополотно янглиғ яна бир жозибадор бадиий асар сифатида томошабинларга тақдим этилади.

С. ОДИЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти базасидаги
9-ПОЛИГРАФЧИЛАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ФИЛИАЛИ
ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚЎЛДА ВА МАШИНАДА ҲАРФ ТЕРУВЧИЛАР, ЮҚОРИ, ОФСЕТ ВА ЧУҚУР БОСМА ПЕЧАТНИКЛАРИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқиш муддати 1 йил.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни аъло баҳолар билан тугатганлар полиграфия олий ўқув юртларига кириб ўқишда имтиҳонлардан фойдаланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: паспорт, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат ва 4х6 см ҳажмидаги 2 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.** Адрес: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ 31-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983—84 ўқув йили учун
15, 16, 17 ва ундан катта ёшдаги йигитларни ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Қўлда пайвандловчи электр пайвандчи, токарь. Ўқиш муддати — 6 ой. Ҳар ойда 72 сўм стипендия берилади. Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ҳаракатдаги составнинг ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати 1 йил (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади).

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси. Ўқиш муддати — 1,5 йил. Фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Тепловоз машинисти, ўқиш муддати — 2 йил. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади, ҳар ойда 72 сўмдан стипендия берилади.

Электровоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз, электровознинг электр ускуналари ремонти бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича электр-слесарь: электровозлар, тепловозлар; токарь, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, электр-газ пайвандчи, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь. Ўқиш муддати — 3 йил. 8-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

Билим юртида 3 йил ўқиганлар ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Бошқа шаҳарликларга ётоқхона берилади.

Билим юртини тугатганлар темирйўлчилар учун белгиланган имтиёзларнинг ҳаммасидан фойдаланадилар. Жумладан Совет Иттифоқининг хоҳлаган шаҳрига бепул бориб-келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, ёки эмланганлиги ҳақидаги медицина карточкаси, характеристика, ариза, таржимаи ҳоли, 3х4 см. ҳажмидаги 8 дона фотосурат.

Паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700074, Тошкент шаҳри, 74-алоқа бўлими, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 23, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати, 72, 48, 80-автобусларнинг «Котельная» бекати). Телефон 96-34-90.

ЯНГИ ҚУРИЛМАЛАР

Областимиз киночилари қишлоқ меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатиш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. 26 шаҳар кинотеатрлари ва қишлоқ клубларида «23 КПК» маркали қўшимча ускуналар ўрнатилди. Бундай ускуналар колхоз клубларида оддий ва кенг форматли фильмларни намойиш қилишда катта қулайлик туғдиряпти.

Ҳозир колхоз ва совхозларда унумли ишлатилаётган 17 та киноқурилмалар автоматик равишда бошқарилмоқда. Яқин орада «Чимён» туристик спорт комплекси кинотеатрида «Ксенон-3» маркали замонавий аппаратуралар ишга туширилади.

И. ҚОРАБОЕВ.

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН

Қора курсида 30 ёшлардаги аёл ўтирибди. Уни қинғир ишга қўл уришга, хатарли йўлдан юришга нима мажбур қилди экан? Текинхўрлик, молпарастликми?

Нина Череповская Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигига қарашли 7-қурилиш-монтаж бошқармасида экспедитор бўлиб ишларди. Нина Қўйлиқ бозорида айланиб юриб, чайқовчилардан ҳар бири 47 сўмдан ўнта аёллар ва 25 сўмдан 6 та эркаклар жемперини сотиб олди. Уни Фарҳод бозорига олиб келиб қимматроқ нархда сотаётган вақтида қўлга тушди.

12-автобус-таксамотор паркининг шофёри, Коммунистик район «Политотдел» колхозининг 7-бригадасида яшовчи Абдуҳалил Раимқулов ҳам бировлар ҳисобига ўз ишини битириб юрадиганлардан. У ҳам Нина сингари милиция ходимлари томонидан савдогарчилик устида, Фарҳод бозорида давлат нархи 13 сўм 60 тийин турадиган енгил машина поршенини 200 сўмга пуллаётганда қўлга тушди.

Абдуҳалил эндигина 26 ёшга тўлган. Лекин қандай қилиб у чайқовчилик касбига қизиқиб қолди. Уйламасдан ташлаган бу қадами билан автобаза коллективи шаънига ҳам доғ туширганини суд курсисига келиб ўтирганида фаҳмлади.

— Узимнинг «ВАЗ-2101» маркали автомашинамга аккумулятор олмоқчи эдим, шунинг учун эҳтиёт шарт олиб қўйган поршенларимни сотган эдим, — дейди у афсусланиб.

Нина ҳам, Абдуҳалил ҳам тўғри йўлни танлаб олишларига суд ҳайъати ишонч ҳосил қилган ҳолда Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 175-моддаси «А» пунктига асосан Нина Череповскаяга 200 сўм, Абдуҳалил Раимқуловга 300 сўм жарима солинди. Уларнинг қўлга тушган жемпер ва эҳтиёт қисмлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Т. ХОЖИМЕТОВ,
Акмал Икромов райони халқ судининг раиси.

Спорт

АЪЗАМОВ ҒАЛАБАСИ

● Мамлакат юбилей чемпионати мусобақаларининг кечиктирилган партиялари давом эттирилганда тошкентлик Г. Аъзамов Украина чемпиони В. Маланюкни мағлубиятга учратди. Геллер Тальни, Псахис Лернерни, Юсупов Маланюкни, Лернер Тальни, Романишин Петросянни енгди. Петросян — Псахис, Лернер — Азмайпарашвили, Карпов — Полугаевский партиялари дуранг бўлиб тугади.

Кеча тўртинчи тур ўйинлари ўтказилди.

МАРРАГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

● Халқаро шашка бўйича Таллин шаҳрида ўтказилаётган СССР чемпионати маррага яқинлашмоқда. Биринчилик охирлаган сари ёшлар дадил ҳаракат қилишяпти. 13-тур учрашувлари уларнинг устунлигида ўтди. Тошкентлик Сергей Давидов Балайкинни мағлубиятга учратиб, очколарини 5,5 тага етказди ва жадвалдаги аҳволини бирмунча яхшилаб олди. А. Дибман 8,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда.

МЕҲМОНЛАР ПЕШҚАДАМ

● Областимизда велопойга бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари бошланди. «Политотдел» колхозида стартга чиққан юздан зиёд спортчи 90 километрлик масофада мусобақалашишди. Клайпедалик И. Романов 1 соат 51,14 секунд натижа билан маррага биринчи бўлиб келди. Львовлик О. Волоцков иккинчи, тожикистонлик Н. Макаров учинчи бўлди. Тошкентлик С. Агупов тўртинчи ўринни олди.

Кеча Янгибозор шоссесида пойгачилар 25 километрлик масофада куч синашдилар.

ҲАР ТЎҒРИДА

ҲИНДИСТОН ЧОЙИ

БАЛАНДЛИГИ 10 — 15 метрга етадиган абадий яшил либосга бурканган чой дарахти гуллаган вақтда хушбўй оқ ва пушти гуллар билан қопланади. Ҳиндистон Шимолий-Шарқидаги Ассам штатида ёввойи чой дарахти шундай ўсади. У биринчи бор 1823 йилда топилган эди. Худди шу пайтдан бошлаб илгари чой етиштирадиган ягона мамлакат деб ҳисобланган Хитой чой ишлаб чиқаришга бўлган жаҳон монополиясини йўқотди.

Халқаро бозорда Ҳиндистоннинг маданийлашган хушбўй чой нави пайдо бўлди. Улар етиштириладиган жойига қараб «Ассам», «Даржилин», «Нилгири» деб аталади. Ҳозирги вақтда Ҳиндистонда 35 мингдан ортиқ чой плантацияси бор. Уларнинг энг йириклари Ассам, Ғарбий Бенгалия, Трипур, Тамиланд, Керала, Карнатакда жойлашган. Эндиликда Ҳиндистон чой етиштириш бўйича жаҳонда етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Чойчилик мамлакат экономикасининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Экспортдан тушаётган валютанинг 10 проценти унга тўғри келади. Ҳиндистон чойини жаҳондаги 80 мамлакатга, шу жумладан, Совет Иттифоқига етказиб бермоқда.

Лекин, сўнгги вақтларда Ҳиндистоннинг бу экин плантацияларида ноқулай аҳвол вужудга келмоқда. Қурғоқчилик Ҳиндистоннинг «Нилгири» чой нави етиштириладиган жанубий районларига зарар етказди. Чет эл монополияларига қарашли плантацияларда чой барги йиғиш камайиб кетмоқда. Улар экин майдонларини «ёшартириш» учун маблағ сарфлашдан бош тортмоқдалар. Бунинг оқибатида чой «туплари» қаримоқда. Ҳиндистоннинг Шимолий-Шарқида уларнинг ёши 80 йилдан ҳам ошиб кетган.

Ҳукумат чой саноатини ривожлантириш ва кооператив фабрикалар яратиш учун узоқ муддатга мўлжалланган программани амалга оширмоқда. Кўрилган чоралар натижасида экин майдонларини кенгайтиришга муваффақ бўлинди.

ТЎЙИМЛИ ВА ТОТЛИ

Биз деярли ҳар куни қатиқ истеъмол қиламиз. Лекин, кўпчилигимиз унинг келиб чиқиш тарихидан бехабармиз.

Қатиқ дастлаб тоғликларнинг — Шимолий Кавказ халқларининг энг севимли таомлари ҳисобланган. Утган асрнинг биринчи ярмида Россияда бу «сирли» ичимлик ҳақида ҳар хил фикрлар тарқалган. Руслар қатиқни турли касалликларга даво, умрни узайтирувчи малҳам деб билиб, уни тайёрлаш йўлларини маҳфий сақлашган. Томизғини бошқа халқларга сотишдан бош тортишган.

Умумроссия врачлар жамияти илтимосига кўра Москвада қатиқ тайёрлаш йўлга қўйилган. Даставвал уни касалхоналарга беморларни даволашда ишлатишган, кейин эса аста-секин сотувга ҳам чиқаришган.

Эндиликда қатиқни ҳамма жойда тайёрлаб, танаввул қилишади. Тўйимлилиги жиҳатидан сутдан қолишмайди, таркибида углекислота, газ ва сут кислотаси бўлиб, улар тотли таъм беради, кишининг асаб системасига ва юрагига ижобий таъсир кўрсатади.

Қатиқ иштаҳа очади. У ошқозон шарбатини кўпайтириб истеъмол қилинган овқатларни ҳазм қилишда фаол хизмат қилади. Жигар ва ичаклар фаолиятини ривожлантиради. Бу ичимликни мунтазам равишда овқатдан олдин ичиб туриш фойдадан холи бўлмайди. Медицина, айниқса ўта семиз кишилар учун қатиқ истеъмол қилишни тавсия этади.

В. УРИЦКИЙ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.10 — «Вертикал бўйлаб пойгалар». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.20—И. Штраус номли Вена камер оркестрининг концерти. 12.20 ва 15.20 — Янгиликлар. 15.45 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Доғистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 16.40 — «Москва комсомолининг ишлари» туркумидан. 17.25 —«Эртак ҳузурида меҳмонда». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 — «Рус музейи», «Рус графикаси». 20.25 — «Уч кун ва икки йил». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Мн) — «Динамо» (Тб) 23.45 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Тарих. 10.05 ва 13.40 — Инглиз тили. 11.05 — Астрономия. 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 — А. Прокофьев поэзияси. 13.10 — Давримиз ленинномаси. 14.10 — Телевизион очерк. 14.40 — Н. В. Гоголь. «Ревизор». 15.25 — Илмий-оммабоп фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильмлар. 19.15 — «Музика ҳамма учун». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Коллектив нимага қодир» туркумидан 3-кўрсатув. 21.30 — «Время». 22.00 — «Тақводор Марта». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

ЎзТВ-I. 11.30 — А. П. Чехов. Ҳаёти саҳифалари. 12.00— Ҳужжатли фильм. 12.30 — Жамиятшунослик. 13.00 — «Ўлим билан олишув». Бадиий фильм. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.45 — Бобур таваллудининг 500 йиллигига. «Бобур мероси». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Инсон ва қонун». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Дунё воқеалари». 22.30 — «Эртага премьера». 23.35 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.00 — Чизма геометрия. 18.50 — Телефильм. 19.00 — Физика. 19.50 — Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қишлоқ ҳаёти». 20.40 Телефильм. 21.00 — «Ҳуқуқ тартибот посбонлигида». 21.30 — МТ-II.

«ДЖИЗАКСТЕПСТРОЙ»-нинг ишчилар таъминоти бошқармасига қарашли Арнасой ишчилар таъминоти бўлимининг йўқолган
ДУМАЛОҚ ШТАМПИ ВА УЧБУРЧАКЛИ ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8|IV да **Оламнинг яратилиши,** 9|IV да **Аида.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 8|IV да **Келинлар қўзғолони,** 9|IV да **Ғариблар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8|IV да **Қиёфалар ёки занжир,** 9|IV да **Мангулик.**

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети аппарати партия ва касаба союз ташкилотлари область партия комитетининг масъул ходими С. Р. Тўлаевга отаси

Рўзмат ТУЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 07170. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1574. 11